

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 101 (1700), 2026 йил 20 май, чоршанба



## АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 май куни автомобилсозлик саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва тармоқ рақобатбардошлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдими билан танишди.

Мамлакатимизда автомобилсозлик соҳаси ривожига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу тармоқ юқори қўшилган қиймат, саноат кооперацияси, минглаб иш ўринлари ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон автомобилсозлик саноати рақобат ва истеъмолчи манфаатига йўналтирилган мутлақо янги босқичга кўтарилди. Ун йил аввал автомобиль бозори дегадда битта ишлаб чиқарувчи ва узоқ навбатлар тушунилган бўлса, бугунги кунда “Chevrolet”, “BYD”, “KIA” ва “Hyundai” каби йирик брендлар билан ҳамкорликда 5 та автомобиль заводи фаолият юритмоқда.

Энг муҳими, бу ўзгаришларни аҳоли бевосита хис қилмоқда. Бозорда танлов кенгайди, узоқ навбатлар барҳам топди. Жорий йилда автомобиль савдосига 20 та банк жалб қилиниб, автомобилларнинг 95 фоизи бўлиб-бўлиб тўлаш ва қулай кредит тизими орқали сотилди.

Айни пайтда қўшни давлатлар учун ҳам автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Соҳа атрофида янги кооперация занжирлари шаклланиб, 10 мингдан ортиқ ёшлар замонавий технологиялар асосида ишламоқда. 300 дан зиёд корхона “Chevrolet”, 40 га яқин корхона “KIA” ва “BYD” учун бутловчи қисмлар етказиб бермоқда.

Тақдиротда автомобилсозликда ишлаб чиқариш ҳамда йиғиш бўйича кўплаб лойиҳа таклифлари келиб тушаётгани Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳити ва юқори даромадли бозор шаклланаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳар бир лойиҳа бозор талаби ва иқтисодий самара асосида баҳоланиши, асосий эътибор ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишга қаратилиши зарурлиги таъкидланди.

Тақдиротда “Volkswagen” автомобилларини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳақида ахборот берилди. Режага кўра, биринчи босқичда Тошкент шаҳрида йирик узелли ишлаб чиқаришни бошлаш кўзда тутилган. Кейинги босқичда Ангрэн эркин иқтисодий зонаси ҳудудида тўлиқ циклда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва экспорт бозорларига чиқиш режалаштирилган.

Бугунги глобал вазият автомобилсозлик соҳасига сезиларли таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Шу бос, технологик мустақилликни таъминлаш, инновацияларни жорий этиш ва экспорт ҳамда логистика чекловларига қамроқ боғлиқ бўлган рақобатбардош миллий маҳсулотлар яратиш вақти келгани таъкидланди.

Бу борада Андижон ва Жиззахда замонавий муҳандислик мактаблари очилгани, ёш тадқиқотчилар ва муҳандислар шаклланаётгани, умуман, маҳаллий маҳсулотларни кенгайтириш ва якуний маҳсулот яратиш учун зарур интеллектуал салоҳият мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу мақсадда “Ўзавтосаноат” АЖ тизимида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти ривожлантирилиши белгиланди.

Соҳадаги яна бир катта имконият — эҳтиёт қисмлар бозори экани таъкидланди. Шу муносабат билан эҳтиёт қисмлар бозорини тартибга солиш, маҳаллий маҳсулотлар улушини ошириш, сертификатлаш тизимини такомиллаштириш ва замонавий синнов лабораторияларини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди. 2026 йил якунига қадар халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда автомобиль эҳтиёт қисмлар бозорини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз автомобилсозлик саноати мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири эканини таъкидлаб, соҳада рақобатни кучайтириш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, миллий муҳандислик мактабини ривожлантириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА БАҲОЛАМОҚДА

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг 17-18 май кунлари Озарбайжонга амалий ташрифи ва Бокуда бўлиб ўтган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясидаги иштироки якунлари ҳақида.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 17-18 май кунлари амалий ташриф билан Озарбайжонда бўлиб, БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича дастури шафелгида ўтказилган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясида концептуал нутқ сўзлади.

Тадбирда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Қирғизистон Президенти Саидир Жапаров, Сербия Президенти Александар

Вучич, Болгария Президенти Илиана Йотова, Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе, Қозғистон Бош вазири Олжас Бектенов, БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича дастури ижрочи директори Анаклаудия Россбах, бошқа қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарияти, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этди.

Форумда асосий эътибор шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, шаҳар муҳити сифатини ошириш, иқлимга чидамликни мустаҳкамлаш ва уй-жойни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш масалаларига қаратилди.

Давоми 2-бетда

## МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШОНЧИ ВА ЖАМИЯТДАГИ АДОЛАТ МЕЗОНИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Инсониятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тарихи тасдиқлайдики, давлатнинг барқарорлиги ва қудрати унинг табиий ресурслари ёки ҳарбий салоҳияти эмас, балки фуқароларнинг давлатга ишончи ва жамиятдаги адолат мезони билан ўлчанади.

Мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларнинг маънавий-мафкуравий асослари тарихий меросимиз билан уйғун ҳолда шаклланди. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг “Куч адолатдир” тамойили ҳамда Алишер Навоийнинг халқпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари бугунги тараққиёт йўлида замонавий ва ҳаётини мазмунда акс этмоқда. Ушбу қадриятлар жамиятда адолат, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлашда

ифодасини топиб, давлат ва жамият ривожининг муҳим маънавий таянчига айланмоқда. Шу аснода давлат аппаратининг қолп-лашган, фақат ҳисоботларга асосланган бюрократик тизимдан “Давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган концептуал ёндашувга ўтиши мамлакат бошқарувида тарихий бурилиш яратди.

Янги Ўзбекистондаги давлат хизмати ва жамият трансформациясини учта асосий

таҳлилий йўналишга ажратиш мумкин: ижтимоий-иқтисодий прагматизм, институционал меритократия ва рақамли-маънавий синергия.

Аслида, уларнинг ҳар бири борасида кўз ўнгимизда содир бўлаётган янгиланишларнинг реал самаралари мисолида катта таҳлилларни келтириш мумкин. Шундай бўлса-да, бу сафар энг асосий жиҳатларга эътибор қаратишни лозим топдик.

Биринчи йўналиш — ижтимоий-иқтисодий прагматизмга тўхталадиган бўлсак, кейинги йилларда барқарор ривожланиш билан боғлиқ ўлчов мезонлари ўзгаргани, рақамлардан реал ҳаётга кўчганини кўраемиз.

Давоми 5-бетда



## ЎЗБЕК “IPO”СИ

### ЖАҲОН МОЛИЯ САҲНАСИДА: ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗГАРАЁТГАН ФАЛСАФАСИ

2026 йил 18 май Ватанимиз иқтисодиёти тарихида алоҳида аҳамиятга эга сана сифатида қайд этилди. Чунки айнан шу куни мамлакатимиз капитал бозори тарихидаги энг йирик IPO — Миллий инвестиция фонди (UzNIF) акцияларининг халқаро жойлашуви муваффақиятли якунланди. Бу шунчаки молиявий операция ёки техник биржа жараёни эмас, балки иқтисодиётимизнинг дунё молиявий тизими билан интеграциялашувидаги янги босқич, давлат активларини бошқариш фалсафасининг ўзгариши ва мамлакатимиз инвестиция имижининг сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилшидир.

UzNIF акциялари бир вақтнинг ўзида Лондон фонд биржаси ва “Тошкент” республика фонд биржасида жойлаштирилиши мамлакатимиз капитал бозори тарихида мутлақо янги саҳифа очди. Шу тариқа UzNIF халқаро IPOни амалга оширган илк ўзбек эмитенти сифатида иқтисодиётимиз тарихидан ўрин олди. IPO якунлари эса халқаро инвесторларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига юқори ишончи ва қизиқишини яққол намоён қилди.

Жумладан, 603,6 миллион доллар миқдорда инвестиция жалб этилди. Жамғарманинг бозор қиймати 1,95 миллиард долларга баҳоланди. Капиталнинг 31 фоизи

очик бозорда жойлаштирилди. Инвесторлар талаби таклиф ҳажмидан тўрт баробар юқори бўлди ва битимнинг қарийб 97 фоизи халқаро инвесторлар ҳиссасига тўғри келди.

Мазкур рақамларнинг ҳар бири мамлакатимиз иқтисодиётида сўнгги йилларда институционал ислохотлар халқаро молиявий доиралар томонидан эътироф этилаётганининг амалий тасдиғидир.

Шу ўринда савол туғилади: IPO нима ва нега у иқтисодий тараққиёт учун муҳим? IPO — Initial Public Offering, яъни компания акцияларининг илк бор очик бозорга чиқарилиши. Оддий қилиб айтганда,

компания ўзининг муайян қисмига эгаллик ҳуқуқини инвесторларга таклиф қилади ва эвазига капитал жалб этади.

Ривожланган иқтисодиётларда IPO иқтисодий ўсишнинг муҳим молиявий механизмидир. Чунки компаниялар давлат бюджетидан ташқари манбалардан маблағ жалб қилади ва корпоратив бошқарув шаффоқлашади. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларга мослашиб, бозор интизоми шаклланади. Энг муҳими, аҳоли ва инвесторларнинг молиявий фаолияти ошади.

Давоми 3-бетда

## ТУРКИЙ МАКОН ИНТЕГРАЦИЯСИ

### ЁХУД МИНТАҚАВИЙ САММИТНИНГ КУН ТАРТИБИ ХУСУСИДА



Туркий давлатлар ташкилотининг Қозғистонда бўлиб ўтган норасмий саммити туркий дунё мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни тизимлаштириш, айниқса, Президентимиз томонидан илгари сурилган долзарб таклиф ва ташаббуслар ТДТ доирасида минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, “Туркий дунёнинг интеграцияси бу — халқларимиз тақдирига бевосита дахлдор бўлган узоқ муддатли стратегик масаладир”.

Дарҳақиқат, дунёнинг турли минтақаларида Ўзаро зиддиятлар тобора авж олаётган, халқаро муносабатларда ишонч тақчиллиги янада кучайиб бораётган бир шароитда Ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда иш юритиши, уйғун позицияларда бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, туркий маконнинг аҳамияти жаҳон логистикасидаги ўзгаришлар фондида янада кучаймоқда. Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари Марказий Осиё, Кавказ, Туркия ва Европа бозорларини боғловчи энг йирик қуруқлик ҳудудларидан бирини шакллантирмоқда.

Давоми 4-бетда



## Таассурот

### НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ ЮРТИДА УЧ КУН

6

# ЎЗБЕКИСТОН УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА БАҲОЛАМОҚДА

## Бошланиши 1-бетда

Етақчилар саммитида Ўзбекистон Президентини раёновлаштириш ва бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, “мувозанатли урбанизация” тамойилларини жорий этиш, халқаро “Ақли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни ташкил этиш, БМТ-Ҳабитатнинг “Яшил шаҳар” халқаро мукофотини таъсис этиш, шунингдек, Самарқандда уй-жой қурилишини молиялаштириш масалалари борасида халқаро форум ўтказиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши, шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш ва шаҳарларнинг экологик барқарорлигини ошириш бўйича кенг кўламли

дастурлар доирасида Ўзбекистон тажрибасига алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда мамлакатимизда уй-жой қурилиши ҳамма сезиларли даражада ошгани, реновация ва кўкаламзорлаштириш дастурлари амалга оширилганлиги, шаҳарсозликка замонвий ёндашувлар фаол жорий этилаётгани таъкидланди.

“Яшил”, “ақли”, “хавфсиз” ва “15 дақиқали” шаҳар тамойилларига асосланган Янги Тошкент мегалойҳаси алоҳида тақдим этилди. Мамлакатимиз ҳудудларида ҳам шундай “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилаётгани, улар ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли турмуш сифатини оширишга хизмат қилаётгани айтилди.

Форум доирасида Ўзбекистон етакчиси Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Сербия Президенти Александр Вучич

билан учрашди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари БМТнинг Аҳоли пунклари бўйича дастури ижрочи директори Анак-лаудия Россбах билан музокара ўтказди.

Хорижий экспертлар фикрича, Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясидаги иштироки натижалари мамлакатнинг барқарор ривожланиши бўйича халқаро кун тартибининг илгари суришдаги роли ортиб бораётганини тасдиқлади ҳамда республикада шаҳарсозлик ва урбанизация соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини намойиш этди. Шунингдек, Ўзбекистон етакчисининг Бокуга ташрифи ҳам нуфузли кўп томонлама форумда иштирок этиш, ҳам икки томонлама учрашувлар натижасида эришилган келишувлар нуктаи назаридан муваффақиятли яқунлангани юқори баҳоланди.

**Карлос Уриарте САНЧЕС, Испаниядаги Умумевропа иттифоқи президенти, профессор:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси доирасидаги Етақчилар саммитидаги нутқи Ўзбекистон бугунги кунда Евроосиё маконидо барқарор ривожланиш, ижтимоий адолат ва замонвий урбанизация трансформациясининг фаол тарафдорларидан бирига айлангани яна бир бор намойён этди.



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси доирасидаги Етақчилар саммитидаги нутқи

Дунё аҳолиси жадал ўсиб, урбанизация жараёни мисли кўрилмаган суръатларда кечаётган ҳозирги шароитда айнан Шавкат Мирзиёев каби етақчилар халқаро ҳамжамиятга нафақат глобал таҳдидларни англаш, балки уларни ҳал этиш бўйича аниқ ва амалий механизмларни ҳам таклиф қилмоқда. Унинг нутқи чуккур стратегик ёндашув, келажак авлодлар олдидоги юксак масъулият ва барқарор ҳамда инклюзив ривожланиш тамойилларига содиқлигини аққол намойён қилди.

Янги Ўзбекистонда уй-жой қурилиши ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар алоҳида эътиборга лойиқ. Иллий уй-жой қурилиши ҳамми бир неча баробар оширилгани, аҳоли учун ҳамёнбоп уй-жой дастурларига катта маъна

## Илгар ВЕЛИЗАДЕ, озарбайжонлик сиёсатшунос ва таҳлилчи:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси (WUF13)да иштирок этиш учун Боку шаҳрига ташрифи нафақат Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини янада мустаҳкамлаш нуктаи назаридан, балки Ўзбекистонда шаҳарсозлик сиёсати трансформациясининг муҳим босқичи сифатида ҳам аҳамият касб этади.



Бокудаги йирик тадбирлар доирасида Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари ўртасидаги мулоқот, шунингдек, БМТ—Ҳабитат ижрочи директори билан бўлиб ўтган учрашувлар ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Сўнги йилларда Ўзбекистон урбанизация ва шаҳарсозлик соҳасида юқори

суръатдаги ривожланишни намойён этмоқда. Кенг қамровли ўзгаришлар нафақат Тошкент шаҳрида, балки мамлакатнинг бошқа ҳудудий марказларида ҳам амалга оширилмоқда. Бу жараён янги турар жойлар ва транспорт инфратузилмасини барпо этиш билан чекланиб қолмай, жамоат жойларини модернизациялаш, шаҳар бошқарувини рақамлаштириш ва замонвий шаҳар муҳитини шакллантиришни ҳам қамраб олмақда.

Шу боис, Шавкат Мирзиёевнинг Бутунжаҳон урбанизация форумидаги иштироки табиий ва манғитий қадам сифатида баҳоланмоқда. Тошкент учун бундай нуфузли халқаро анжуманлар илғор тажриба алмашиш, замонвий шаҳарсозлик ёндашувларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистонни глобал урбанизация жараёнларида янада чуқур интеграция қилиш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

## Гўзал МАЙТДИНОВА, Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бокуга ташрифи нафақат муҳим дипломатик воқеа, балки янги Евроосиё тараққиёт архитектурасини шакллантириш шароитида Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ давлатларининг урбанизация сиёсатини ўзгаришининг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида ҳам аҳамият касб этади.



Ўзбекистон етакчисининг БМТ-Ҳабитат шафелигида ўтказилаётган Бутунжаҳон урбанизация форуми (WUF-13) 13-сессиясидаги иштироки

Ўзбекистон етакчисининг БМТ-Ҳабитат шафелигида ўтказилаётган Бутунжаҳон урбанизация форуми (WUF-13) 13-сессиясидаги иштироки Ўзбекистоннинг барқарор шаҳар тараққиёти, иқлимга мослашиш ва шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича глобал кун тартибига қўшилиш истигидан далолат беради.

Сўнги йилларда республика амалда Марказий Осиёдаги энг кенг кўламли урбанизация ўтишларидан бирини бошдан кечирмоқда. Агар 1990-йиллар бошида урбанизация даражаси 40 фоз атрофида бўлса, 2026 йилга келиб эса 51 фозга етди ва шаҳар аҳолиси сонини 20 миллион кишига яқинлаштириди. Бу жараёнлар уй-жой қурилишининг мисли кўрилмаган

даражасини 30 фозга етказишга қаратилган “Яшил макон” ва “Тоза ҳаво” дастурлари экологик хавфсизлик ҳамда иқлим барқарорлигига масъулиятли ёндашув намунасидир.

Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ақли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни ташкил этиш ташаббуси ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу таклиф рақамли трансформациянинг глобал тенденцияларига мос келиб, шаҳар бошқаруви соҳасида технологиялар, стандартлар ва илғор тажрибалар алмашиш учун муҳим халқаро платформани шакллантириши мумкин.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида уй-жой қурилишини молиялаштириш масалалари бўйича халқаро форум ўтказиш ва БМТ—Ҳабитатнинг “Яшил шаҳар” халқаро мукофотини таъсис этиш ташаббуслари Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши бўйича глобал кун тартибинини шакллантиришдаги фаол ролини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, Президентнинг аънавий маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институту — маҳалланинг ижтимоий барқарорлик ва жамоавий ҳамжихатликни таъминлашдаги ўрнига қаратаётган эътибори юксак баҳога лойиқ. Бу замонвий тараққиёт ёндашувлари миллий қадрият ва тарихий аънаълар билан уйғунлаштирилганини кўрсатади.

Ишончим комилки, Шавкат Мирзиёевнинг урбанизация, барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик соҳасидаги ташаббуслари глобал барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш сифатини юксалтириш ҳамда келажакнинг замонвий, хавфсиз ва экологик барқарор шаҳарларини шакллантиришга хизмат қилишда давом этади.

иқтисодий ва инфратузилмавий ўзгаришлар марказларидан бири сифатида кўрсатишга интилиб, глобал ташаббуслардаги иштирокини сезиларли даражада фаоллаштириди.

Тошкентнинг жаҳон урбанизация кун тартибига қўшилиши минтақа ривожининг чекка моделидан халқаро иқтисодий ва технология жараёнларини шакллантиришда янада фаолроқ иштирок этишга босқичма-босқич ўтишини англайди. Узоқ мuddатли истиқболда форум натижалари минтақа давлатларининг шаҳарларини ривожлантириш, уй-жой сиёсати ва барқарор инфратузилма соҳасидаги миллий стратегияларга таъсир кўрсатиши мумкин. Марказий Осиё учун бу, айниқса, жадал демографик ўсиш ва жамият ижтимоий-иқтисодий тузилмасининг ўзгариши давом этаётган шароитда муҳимдир.

**Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга ташрифи халқаро тадбирдаги протокол иштироки доирасидан анча ташқарига чиқади. У Евроосиёнинг янги урбанизация ва модернизация кун тартиби шаклланишини акс эттиради, унда шаҳарлар иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликнинг асосий марказларига айланмоқда.**

“Дунё” АА

# ГЛОБАЛ БАРҚАРОРЛИК, ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ АСОСИ

## Муносабат

Бугунги халқаро муносабатлар тизимида давлатлар нуфузи фақатгина иқтисодий ёки ҳарбий салоҳият билан эмас, балки очиклик сиёсати, инсон ҳуқуқларига муносабати, глобал ташаббуслардаги иштироки билан ҳам белгиланмоқда. Бу борада Ўзбекистон дунёга намуна бўлаётган. Айниқса, мамлакатимизда кечаётган очиклик сиёсати, кенг қамровли ислохотлар ва инсон манфаатини устувор қўйган давлат бошқаруви барча халқаро тузилмалар билан муносабатларнинг янги даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон БМТга аъзо давлат сифатида кўп йиллар давомида чегараланган ва санокли йўналишларда ҳамкорлик қилди. Кейинги даврда бу ҳамкорлик кўлами нафақат кенгайди, балки унинг натижаси амалий ҳаётга кўчди. Яна ҳам аниқроқ айтганда, 2016 йилдан кейинги давр Ўзбекистон — БМТ муносабатларида том маънода бурилиш нуктаси бўлди.

Чунки айнан шу йиллардан мамлакатимиз ташқи сиёсатида очиклик, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ва халқаро ташкилотлар билан фаол мулоқотга устувор аҳамият қаратила бошланди.



**Абдураим УЛУҒОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент**

Халқаро саммит ва форумлар доирасидаги учрашувлар, глобал ва минтақавий масалалар Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп қирралли ҳамкорликни янада кенгайтириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаракатларга янги куч бермоқда. Айни пайтда ҳамкорликда 160 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та махсус резолюцияси қабул қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз БМТнинг 26 та тузилмаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Айниқса, БМТнинг Аҳоли пунклари бўйича дастури билан ҳамкорлик барқарор урбанизация, замонвий шаҳарсозлик ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Боис, ташкилотнинг асосий мақсоди шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшаш шароитини яхшилашга қаратилган.

Мамлакатимиз етакчиси Президентлик фаолиятига киришган илк кунидан бошлаб қабул қилинган қарор ва дастурларнинг моҳияти ҳам айна мақсадни ўзида ифода этади. Аҳамиятлиси, бугун уларнинг натижасини нурдошларимиз ўз ҳаётида хис этмоқда.

Сўнги йилларда аҳоли сонини мунтазам ошириш уй-жой ислохотлари самарадорлигини жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда аҳолининг ўртача ўсиш тенденцияси йиллик икки фозини ташкил этмоқда. Шундан келиб чиқиб, юртимиз қурилиш бозори талабга мос жадал ривожланипти. Бироқ бу жараёнда уй-жойлар нархини мақбуллаштириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб масалага айланипти. Давлатимиз раҳбари бу борада қатор ташаббус ва ғояларни илгари сурмоқда.

Утган йиллар мобайнида мамлакатимизда 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жой барпо этилди. Қурилиш ҳамми 2016 йилдан 10 баробардан кўпроққа ошди. Жорий йил ҳудудларда яна 140 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда урбанизация, яъни шаҳарлаштириш даражаси 51 фозга, яъни шаҳарларда истиқомат қилаётган аҳоли сонини 20 миллионга етди. Урбанизация жараёнларини қўллаб-қувватлаб, “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ишларини изчил давом эттирган ҳолда уй-жой фондида замонвий уй-жойлар улушунини 2040 йилга қадар 50 фозга етказилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон раҳбари Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 17-18 май кунлари амалий ташриф билан Боку шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 18 май кунини БМТнинг Аҳоли пунклари бўйича дастури шафелигида ўтган Жаҳон урбанизация форумининг 13-сессиясида иштирок этиш ва нутқ сўзлади. Мазкур форум ўз аҳамиятига кўра, барқарор тараққиётни таъминлашга муҳим ўрин тутди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари илгари сурган қатор таклиф ва ташаббуслар айни соҳадagi долзарб муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

“Бугун дунёда қарийб 3 миллиард инсон бирлашми яшаш шароитларидан маҳрум. Уларнинг бир миллиарддан зиёди норасмий турар жойлар ва харобаларда кун кечирмоқда, 300 миллиондан ортиқ одам эса умуман бошпанасиз эга эмас. Иқлим ўзгаришлари, таҳдиқали халқаро вазият ва иқтисодий инқирозлар глобал миграциянинг



янги тўқилларини пайдо қилиб, давлатлар ва шаҳарлар ўртасида аҳолининг қайта тақсимланишига олиб келмоқда. Оддий қилиб айтганда, урбанизация жараёнлари глобал барқарорлик ва хавфсизликка тўғридан тўғри таъсир кўрсатуви жиддий омилга айланмоқда.

Буларнинг барчаси ҳаммамиздан қатъий ва кечкириб бўлмайдиган қоралар қўришни талаб қилмоқда”, деди Президентимиз.

Таъкидланганидек, бугун барча ҳудудларда аҳоли учун тенг яшаш шароитларини яратиш кичик ва ўрта шаҳарларни уйғун ривожлантиришни талаб қилмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон етакчиси ҳамкор давлатларни шаҳарларни ривожлантиришда “мутаносиб урбанизация” тамойилини кенг жорий этишга қақриди.

Шунингдек, шаҳар бошқарувида сунъий интеллект ва рақамли трансформация имкониятларидан барча давлатлар тенг фойдаланиши, ушбу соҳада технология, стандартлар ва тажрибаларни тизимли алмашишга қаратилган халқаро “Ақли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни тузиш таклиф қилинди.

Қолаверса, ёшлар ва аҳолининг эҳтиёжман қатламни сифатли ҳамда арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида келгуси йилда Самарқанд шаҳрида уй-жой қурилишига молия ва инвестицияларни жалб этишдаги янги ёндашувлар юзасидан халқаро форум ўтказиш, глобал иқлим ўзгаришларини инноватта олган ҳолда “яшил шаҳарлар” барпо этишининг умумий тамойиллари ва стандартларини қабул қилиш ташаббуслари илгари сурилди.

Урбанизация даражаси ўсиши шаҳарлардаги ўзини ўзи бошқаришнинг аънавий тузилмалари ролинини янада оширмоқда. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан Жаҳон урбанизация форумининг 15-сессиясини 2030 йилда Янги Тошкент шаҳрида ўтказишни ва унинг бош мазвусини “Шаҳарларнинг барқарор ривожланишида маҳалла институтининг ўрни” деб номлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф ва ташаббуслар бугунги глобал тараққиёт кун тартибидоги энг муҳим масалаларга берилган чуқур сиёсий ва амалий ёндашув сифатида катта аҳамиятга эга. Зеро, бугунги урбанизация масаласи фақат шаҳарлар сонини ортказиш ёки янги бинолар қурилиши билан чекланимайди. Бу аҳолининг ҳаёт сифати, экологик барқарорлик, ижтимоий тенглик, хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт билан бевосита боғлиқ мураккаб жараён.

Шундай экан, Президентимизнинг мазкур форум етакчилиги саммитидаги иштироки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани, мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотлар эса жаҳон ҳамжамиятини томонидан юксак эътироф этилаётганини яна бир амалий тасдиқидир.

Форум Ўзбекистон учун халқаро инвестицияларни жалб этиш, инновация технологиялар ва илғор тажрибаларни кенг таъбиқ қилиш борасида янги имкониятлар эшигини очди. Бу эса шаҳарсозлик, инфратузилма ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.


Шарҳ

# ЎЗБЕК "ІРО"СИ

**UzNIF акцияларининг Лондон фонд биржасида жойлаштирилишини мамлакатимиз молия бозори тарихидаги муҳим воқеалардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки Лондон фонд биржаси нафақат Европанинг, балки бутун жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли молиявий платформаларидан.**

# ЖАҲОН-МОЛИЯ САҲНАСИДА:

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗГАРАЁТГАН ФАЛСАФАСИ



**Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Бошланиш 1-бетда

ҳамда "Redwheel" каби нуфузли халқаро инвестиция компанияларининг иштироки мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим ишонч индикатори сифатида баҳоланади. Бу, бир томондан, мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар ва корпоратив бошқарув тизими халқаро молия бозори иштирокчилари томонидан ижобий қабул қилинаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг глобал капитал бозорларидаги инвестициявий нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далolat беради.

Халқаро инвесторлар нега юртимизга қизиқмоқда? Масаланинг энг муҳим нуқтаси айнан шу савол билан боғлиқ. Бугун глобал капиталнинг мамлакатимиз бозорига эътибор қаратаётгани тасодифий ҳолат эмас. Бунинг ортида иқтисодиётимизда сўнгги йиллардаги тизимли ислохотлар ва шакллантирилган янги иқтисодий муҳит турибди.

Аввало, иқтисодий либераллашув жараёни халқаро инвесторлар учун муҳим сигнал бўлди. Валюта бозорининг эркинлаштирилиши, ташқи савдо чекловларининг босқичма-босқич қисқартирилиши, хусусий сектор учун имкониятлар кенгайтириши ҳамда бозор механизмларининг кучайиши мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини оширди. Зеро, ҳар қандай инвестор капитал киритишдан олдин иқтисодий қондаларнинг барқарорлиги, бозор муносабатларининг очиқлиги ва давлат сиёсатининг прогноз қилина оlish даражасига эътибор қаратади. Юртимизда айнан шу йўналишда муҳим институционал ўзгаришлар амалга оширилди.

Иккинчи муҳим омил — макроиктисодий барқарорлик. Жаҳон иқтисодиётида турбулентликлар кучайган шароитда ҳам мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръати сақланиб қолаётгани халқаро молия институтлари ва инвесторлар эътиборини тортмоқда. Инфратузилма лойиҳаларининг кенгайтирилиши, саноат тармоқларини модернизация қилиш, ички бозор ҳажмининг ўсиши ҳамда инвестициявий фаолиятнинг ортиси бизни Марказий Осиёдаги энг истиқболли иқтисодиётлардан бири сифатида кўрсатмоқда.

Учинчи омил мамлакатимизнинг демографик салоҳияти билан боғлиқ. Аҳолининг катта қисми ёшлардан иборат бўлиб, меҳнатга лаёқатли қатлам улushi юқори. Бу эса, бир жиҳатдан, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси учун кенг меҳнат ресурсларини таъминласа, иккинчи томондан, ички истеъмол бозорининг узоқ мuddатли ўсишини кафолат-

ЗузNIF IPOсини оддий молиявий операция сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Мазкур жараён мамлакатимиз иқтисодиёти учун узоқ мuddатли институционал аҳамиятга эга муҳим қадам. Чунки гап фақат акциялар жойлаштириш ёки капитал жалб қилиш ҳақида эмас, балки Ўзбекистон иқтисодиётида янги молиявий инфратузилма ва бозор муносабатларини шакллантириш ҳақида бормоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кўп йиллар давомида банк кредитлари асосий молиялаштириш манбаи бўлиб келди. Натijaда иқтисодий фаолиятнинг катта қисми банк тизими-га боғланиб қолди ва молиявий рисклар ҳам асосан шу сектор зиммасига тушди. Бу эса иқтисодиётнинг узоқ мuddатли барқарорлиги нуктаи назардан муайян чекловларни юзага келтириши мумкин.

Ривожланган давлатлар тажрибасида эса капитал бозорига иқтисодиётнинг энг муҳим молиявий механизмларидан бири сифатида қаралади. Компаниялар акция, облигация ва бошқа молиявий инструментлар орқали тў-

ІРОнинг муваффақиятли ўтиши халқаро рейтинг агентликлари ва инвестиция фондлари учун муҳим сигнал. Зеро, бозорда баҳоланган активлар мамлакат иқтисодиёти ҳақида анча объектив тасаввур ҳосил қилади. Бунинг ўзи инвесторлар учун ишонч даражасини оширади.

Талабнинг тақдидан тўрт баробар юқори бўлгани эса халқаро инвесторлар Ўзбекистон активларига катта қизиқиш билдирганини аққол кўрсатади. Бундай кўрсаткич мамлакатимизнинг инвестиция имижига мустаҳкамланиб бораётгани ва иқтисодий ислохотлар ташқи бозорларда ижобий қабул қилинаётганини аналтади.

Женни Жонсон таъкидлаганидек, UzNIF IPOси бошқа компаниялар учун ҳам муҳим йўл очувчи тажриба бўлиши мумкин. Бу жуда муҳим жиҳат. Чунки муваффақиятли IPO механизми кейинги босқичда йирик давлат компанияларининг халқаро бозорга чиқishi, хусусий сектор учун янги молиялаштириш манбалари пайдо бўлиши ва маҳаллий фонд бозорининг чуқурлашувига замин яратди.

Шу билан бирга, бундай жараён Тошкентнинг минтақавий молиявий марказ сифатидаги мавқени ҳам мустаҳкамлайди. Нега таланиб тўрт баробар юқори бўлди? IPOга талабнинг тақдидан тўрт баробар юқори бўлиши алоҳида таҳлил талаб қилади. Бу, аввало, халқаро капиталнинг янги ўсиш бозорларини излаётгани билан изоҳланади. Жаҳонда аънавий бозорларда ўсиш суръати секинлашиб бораётган бир шароитда инвесторлар истиқболли ривожланиётган иқтисодиётларга эътиборини кучайтирмоқда.

Марказий Осиё бўйидаги тўлиқ очилмаган бозор сифатида баҳоланади. Мамлакатимиз эса аҳоли сони, ички бозор ҳажми, табиий ресурслари, стратегик географик жойлашуви ва ислохотлар суръати билан минтақадан ажралиб туради. Инвесторлар айнан шу узоқ мuddатли салоҳиятини кўрмоқда ва унга каудатли йўналтирмоқда.

Бундан ташқари, глобал инвесторлар инфратузилма ва давлат активлари билан боғлиқ инвестицияларга алоҳида қизиқиш билдиради. Чунки бундай активлар, одатда, иқтисодий цикллар таъсирига нисбатан барқарордир. Энергетика, транспорт, коммуникация ва йирик саноат объеклари каби соҳаларга узоқ мuddатли даромад манбаи сифатида қаралади. Шу нуктаи назардан, юртимизда давлат активларини трансформация қилиш жараёни халқаро капитал учун муҳим инвестиция имкониятларини шакллантирмоқда.

IPOда иштирок этган инвесторларнинг 97 фоизи халқаро инвесторлар ҳиссасига тўғри келгани икки муҳим хулосани аналтади. Аввало, бу кўрсаткич Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан ташқи ишонч юқори даражада кўтарилаётганини кўрсатади. Яъни халқаро молия бозори иштирокчилари мамлакатимизнинг узоқ мuddатли иқтисодий салоҳиятини ижобий баҳоламоқда.

Бироқ мазкур рақам иккинчи муҳим масалани ҳам очиб беради. Яъни маҳаллий институционал инвесторлар бозори ҳали етарлича шаклланмаган. Ривожланган мамлакатларда IPO жараёнида пенсия фондлари, сугурта компаниялари, инвестиция ва пай жамғармалари каби йирик ички институтлар фаол иштирок этади. Улар ички капитал бозорининг барқарор таянчидир. Юртимизда эса бундай институтлар йил ривожланиш босқичида турибди. Шу боис, келгусида маҳаллий институционал инвесторларни шакллантириш стратегик вазифалардан бирига айланади. Хусусан, аҳоли маблағларини капитал бозорига кенгроқ жалб қилиш, молиявий савдо-хонлиқни ошириш, пенсия ва инвестиция жамғармалари фаолиятини ривожлантириш ҳамда узоқ мuddатли ички капитал манбаларини кўпайтириш жуда муҳим.

Ҳар қандай йирик иқтисодий ислохот сингари IPO жараёни ҳам муайян риск ва қақирқилардан холи эмас. Чунки халқаро капитални жалб қилишнинг ўзи камлик қилади. Энг муҳими — ушбу ишончли узоқ мuddат сақлаб қолиш.

IPOдан кейин инвесторлар энди баёнотлар ёки ислохотлар ҳақидаги режаларини эмас, балки реал натижаларини кузатади. Халқаро бозорда компания қиймати, биринчи навбатда, унинг самарадорлиги, шаффофлиги ва бошқарув сифати билан баҳоланади.

Агар компанияларда самарадорлик ошмаса, молиявий шаффофлик таъминланмаса, давлат аралашуви юқори даражада сақланиб қолса ёки менежмент мустақил қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлмаса, инвесторлар ишончи пайсаяни мумкин. Бу эса келгусида капитал жалб қилиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатади.

Шу маънода, IPO ислохотларнинг якуни эмас, балки уларнинг янги ва анча масъулиятли босқичидир. Чунки очиб бозорга чиққан компания энди глобал инвесторлар олдида доимий равишда ўз самарадорлиги ва бошқарув сифати билан ҳисобдор бўлади.

Капитал бозори бир марта ўтказилган IPO билан шаклланиб қолмайди. Унга хизмат қиладиган бутун бир институционал муҳит зарур. Агар шу муҳит бўлмаса, ҳатто муваффақиятли деб баҳоланган жойлаштириш ҳам узоқ мuddатли самара бермаслиги мумкин. Капитал бозорини барқарор ривожлантириш учун қуйидаги шартлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга: кучли брокерлик тизими, мустақил аудит амалиёти, юқори сифатли таҳлил мактаби, ишончли ҳуқуқий ҳимоя, суд тизимининг самарадорлиги ҳамда корпоратив ахборотнинг ошқоралиги. Бу омиллар ўзаро узвий боғлиқ. Улардан бири заиф бўлса, бозор бутунлай мувозанатини йўқотиши мумкин.

UzNIF IPOси биринчи қадам, холос. Асосий вазифа энди шу битимни алоҳида воқеа эмас, балки капитал бозорини тизимли равишда шакллантириш жараёнининг бошланиши сифатида давом эттиришдир.

Глобал молиявий бозорлар табиятан жуда ўзарувчан. Геосиёсий зиддиятлар, марказий банкларнинг фоиз ставкалари бўйича

казларидан бирига айлана оладими? Бу савол ортқича эмас. Аксинча, у мамлакатимизнинг кейинги иқтисодий траекторияси қайси томонга бурлишини белгилайди.

Бу мақсадга эришиш учун бир нечта зарур шарт мавжуд. Биринчидан, капитал бозори чуқур ва ликвид бўлиши керак. Яъни бозорда битимлар кўп, иштирокчилар турли ва активлар эркин сотилиб-сотиб олинмаган муҳит шаклланиши лозим. Ликвидлик бўлмаган жойда молиявий марказ ҳақида гапириш қийин.

Иккинчидан, ҳуқуқий тизим инвестор учун ишончли бўлиши шарт. Инвестор ўз капитални ҳимоя қилинишига ишонмаса, ҳеч қандай имтиёз ёки реклама уни бозорда узоқ мuddат ушлаб тура олмайди. Шу боис, ҳуқуқ устуворлиги молиявий марказнинг асосий таянчларидан.

Учинчидан, халқаро молиявий институтлар ва инвестиция банклари учун қўлай муҳит яратилиши зарур. Бу фақат регулятор енгиллиги дегани эмас. Бу қондаларнинг аниқлиги, бозорга кириш ва чиқиш механизмларининг соддалиги, ахборот очиқлиги ва институционал барқарорлик дегани.

Тўртинчидан, миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий прогнозланувчанлик таъминланиши шарт. Валютадаги кескин тебранишлар капиталнинг узоқ мuddатли қарорларини заифлаштиради. Шу сабаб молиявий марказ фақат техник инфратузилма эмас, балки ишончли макроиктисодий муҳит билан ҳам баҳоланади.

Бешинчидан, инсон капитални етарли даражада шаклланиши керак. Молиявий таҳлилчилар, инвестиция банклари, корпоратив ҳуқуқшунослар, риск-менежерлар, аудит ва комплекс мутахассислари қатлами кенгаймас экан, молиявий марказнинг маъмули пойдевори бўлмайди.

Шу нуктаи назардан, UzNIF IPOси Тошкентни молиявий марказга айлантириш йўлидаги биринчи йирик қадам сифатида баҳолашни мумкин. Аммо бу қадамнинг қиймати шундаки, у кейинги ислохотлар учун мезон ҳам, синов ҳам бўлиб хизмат қилади. Яъни энди масала бир битимда эмас, балки бутун тизимни ишлайдиган ҳолатга келтиришда.

Капитал бозорининг ривожланиши фақат йирик инвесторлар манфаъати билан чекланиб қолмайди. Унинг таъсир кенг жамоатчилик ҳаётига ҳам бевосита етиб боради. Зеро, самарали капитал бозори аҳоли жамғармаларини иқтисодиётга йўналтириш, бизнес учун қўшимча молиялаштириш манбаларини яратиш ва мамлакатнинг умумий иқтисодий динамикасини тезлаштиришга хизмат қилади.

Узоқ мuddатли истиқболда бундай жараёнлар қуйидаги ижобий натижаларни беради: аҳолининг инвестиция қилиш маданияти шаклланиши, шахсий жамғармалар иқтисодиётга жалб этилади, бизнес учун нисбатан арзон капитал манбалари пайдо бўлади, янги иш ўринлари очилади ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш суръати тезлашади. Энг муҳими, иқтисодиёт давлат бюджетига ортқича босим ўтказмасдан ҳам барқарор ривожланиш имкониятига эга бўлади.

Қисқаси, Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги давр бошланмоқда. UzNIF IPOсини оддий молиявий битим сифатида баҳолаш етарли эмас. Бу мамлакатимиз иқтисодиётида янги модель шаклланиётганини аққол белгисидир. Мазкур модель давлатга қаттиқ боғланган иқтисодий тартибдан бозор тамойил-



лайди. Халқаро инвесторлар айнан шундай катта ва ўсиб бораётган бозорларни стратегик йўналиш сифатида баҳолайди.

Тўртинчи омил — геосиёсий ўрнимиз. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган мамлакатимизга транспорт, логистика ва савдо йўлаклари кесилган муҳим ҳудуд сифатида қаралмоқда. Кейинги йилларда темир йўл, автомобиль йўллари, куруқлик портлари ва минтақавий транзит инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар мамлакатимизнинг иқтисодий аҳамиятини янада оширмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг нафақат ички бозор, балки минтақавий ҳаб сифатидаги жозибдорлигини ҳам таъминлайди.

Бешинчи муҳим омил — давлат активларини трансформация қилиш ва корпоратив ислохотларни чуқурлаштириш сиёсати. Айниқса, давлат иштирокидаги йирик корхоналарда корпоратив бошқарув стандартларини жорий этиш, молиявий ҳисоботларда шаффофликни кучайтириш, мустақил аудит амалиёти кенгайтириш ва халқаро консалтинг институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш инвесторлар ишончини мустаҳкамламоқда. Чунки глобал капитал учун фақат бозор ҳажми эмас, балки корпоратив бошқарув сифати ва инвестиция хавфларининг бошқарилиши ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистонга қизиқиш қисқа мuddатли конъюнктура эмас, балки мамлакатимиз иқтисодиётида шаклланиётган янги институционал муҳитнинг натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Женни Жонсоннинг баёнотида ҳам айнан шу жиҳатга алоҳида ургу берилди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон ҳукумати билан давлат корхоналарида самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, молиявий шаффофликни кучайтириш ва маҳаллий капитал бозорини ривожлантириш борадисидаги ҳамкорлик халқаро инвесторларда ишонч уйғотмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар глобал молия институтларини томонидан ижобий баҳоланаётганини кўрсатади.

ридан тўғри инвесторлардан маблағ жалб қилади. Бу эса иқтисодиётда молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, рақобат муҳитини кучайтириш ва хусусий капитал ҳаракатини фаоллаштириш имконини беради.

Шу маънода, UzNIF IPOси маҳаллий капитал бозори учун янги босқични бошлаб бормоқда. Аввало, бозорда ликвидлик даражаси ошади, инвесторлар базаси кенгайди ва янги эмитентлар учун амалий намуна шаклланади. Энг муҳими, аҳолининг инвестиция маданияти ривожланиб, молиявий инструментларга қизиқиши ортади. Бу эса келгусида миллий капитал бозорининг чуқурлашуви учун мустаҳкам замин яратаяди.

IPO жараёнининг яна бир муҳим натижаси давлат иштирокидаги компанияларда бозор интизомининг шаклланишидир. Чунки очиб бозорга чиққан ҳар қандай компания инвесторлар, аудиторлар ва молия бозори иштирокчилари олдида доимий ҳисобдор бўлади.

Бу эса, биринчи навбатда, харажатларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва корпоратив қарорлар қабул қилиш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Шу билан бирга, молиявий шаффофлик кучайди, мустақил аудит амалиёти мустаҳкамланади ҳамда инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тақомиллашади.

Энг муҳими, давлат активларини бозор тамойиллари асосида бошқариш амалиёти кенгайиб, иқтисодиётга рақобат муҳити ва хусусий капитал иштироки ортади. Бу эса миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан.

Бозор механизмнинг жорий этилиши давлат активларидан янада самарали фойдаланишга ундайди. Чунки очиб бозор шароитида компания фаолияти фақат давлат назорати эмас, балки инвесторлар, таҳлилчилар ва халқаро молия институтлари томонидан ҳам мунтазам баҳолаб борилади. Бу эса бошқарув интизомини кучайтиради, харажатларни оптималлаштиради ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.



қарорлари, энергия нархлари, хомашё бозорларидаги тебранишлар ва эҳтимолий глобал рецессия хавфлари ривожланиётган иқтисодиётларга тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Демак, ташқи муҳитдаги ҳар бир силжиш инвестиция оқимларига ҳам, бозор кайфиятига ҳам таъсир этмасдан қолмайди.

Биз учун энг муҳим вазифалардан бири макроиктисодий барқарорликни сақлаш ва ташқи шокларга чидамли иқтисодий моделни мустаҳкамлашдир. Инвестор капитални барқарорликка тикишни истайди, агар ушбу барқарорлик заифлашса, энг жозибали актив ҳам қизиқишни йўқотиши мумкин. Шунинг учун инвестициявий жозибдорликни сақлаб қолиш фақат бир маргалик муваффақият эмас, балки доимий иқтисодий интизомни талаб қилади.

UzNIF IPOси яна бир стратегик саволни кун тартибига олиб чиқди. Ўзбекистон келажакда Марказий Осиёнинг молиявий мар-

ларига таянадиган иқтисодиётга, ёпиқликдан глобал интеграцияга, маъмурий бошқарувдан корпоратив бошқарувга ҳамда бюджет маблағларига сунган молиялаштиришдан инвестициявий молиялаштиришга ўтишни аналтади.

Албатта, олдинда ҳал қилиниши лозим бўлган мураккаб вазифалар ҳам эмас. Бироқ энг муҳим натижа шундаки, Ўзбекистон халқаро капитал бозори харитасида ўз ўрнини кўрсатди. Лондон фонд биржасидаги IPO мамлакатимизнинг инвестициявий имижига, иқтисодий ислохотларига ва стратегик трансформация жараёнига берилган жиддий халқаро баҳо бўлди.

Глобал инвесторлар энди юртимизга фақат хомашё манбаси ёки истеъмол бозори сифатида эмас, балки узоқ мuddатли иқтисодий ҳамкор сифатида қарамоқда. Айнан шу нукта UzNIF IPOсининг ҳақиқий тарихий аҳамиятини белгилайди беради.



Нуқтаи назар

2026 йил 20 май, 101-сон

Туркий макон интеграцияси
ЁХУД МИНТАҚАВИЙ САММИТИНИНГ КҮН ТАРТИБИ ХУСУСИДА



Жаффар ХИДИРОВ, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази шўба мудир

Бошланиши 1-бетда

Ташкилот макониди 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди ва у катта иқтисодий салоҳиятга эга. 2025 йилда ТДТ мамлакатларининг умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди...

ТДТ мамлакатларидаги тасдиқланган газ захиралари тахминан 19,9 триллион куб метр, нефть захиралари эса 38,2 триллион баррелни ташкил этади...

Туркий макон иқтисодиётлари юқори даражада ўзаро бир-бирини тўлдирини билан ажралиб туради. Туркия ва Венгрия ривожланган саноат ҳамда машинасозлик базасига эга бўлса...

Мазкур тенденциялар фониди Ўзбекистон минтақадаги энг жадал ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб турибди. Сўнгги беш йил ичида мамлакат Гарвард университетининг Иқтисодий мураккаблик атласи рейтингиди 28 поғона юқорилаб...

Шу нуқтаи назардан, ТДТ амалий иқтисодий аҳамият касб этмоқда. Савдо, транспорт, саноат кооперацияси, инвестициялар ва рақамлаштириш янги минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосига айланиши мумкин.

Савдо ва саноат кооперацияси

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ТДТ доирасидаги ҳамкорлиги 35 дан ортиқ йўналишни қамраб олган. Ҳамкорликнинг иқтисодий таркиби ҳам тобора кучайиб бормоқда...

ТДТ доирасида Қозғистон ва Туркия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари бўлиб қолмоқда. Товар айланмасининг 46 фоизи ёки қарийб 5 миллиард доллари Қозғистон хиссасига тўғри келади...

тон ва Қирғизистон билан савдо ҳамжи ҳам сезиларли бўлиб, ҳар бири билан товар айланмаси 1,2 миллиард долларни ташкил этади. Савдо таркиби ҳам ўзгармоқда...

ТДТ мамлакатлариди импорт, асосан, иқтисодиётни модернизациялаш эҳтиёжлари билан боғлиқ. Импорт таркиби асосини озиқ-овқат маҳсулотлари, минерал ёқилғи, саноат маҳсулотлари, машина ва ускуналар ташкил этмоқда...

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази баҳолаганига кўра, Ўзбекистон ТДТ мамлакатларига экспорт ҳамжини қўшимча 2,7 миллиард долларга ошириши имкониятига эга. Энг катта амалга оширилмаган экспорт салоҳияти Туркия хиссасига тўғри келиб...

Экспортни кенгайтириш салоҳияти Ўзбекистоннинг қатор товар йўналишларидаги рақобат устуликларига асосланади. Аввало, бу қуруқ мева, сабзавот ва ёнғоқларни ўз ичига олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тааллуқли...

Таҳлилларга кўра, экспортнинг қўшимча ўсиши тўқимачилик ва электротехника, қурилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўғитлар, мис, этилен полимерлари ҳамда қўшилган қиймати юқори бўлган бошқа товарлар етказиб бериш ҳисобига таъминлини мумкин.

Сармоялар ва логистик лойиҳалар

ТДТ доирасидаги савдо интеграцияси инвестиция ва ишлаб чиқариш кооперацияси чуқурлашуви билан биргича кечмоқда. 2017-2025 йилларда ТДТ мамлакатларининг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган ҳам



инвестициялари ҳамжи 11,5 миллиард доллардан ошди. Шундан 3,8 миллиард доллари фақат 2025 йилнинг ўзиди жалб қилинган. Инвестицияларнинг асосий қисми қайта ишлаш саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва логистика соҳаларига йўналтирилди.

2026 йил апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистонда ТДТ мамлакатлари капитали иштирокида 4,5 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Қўшма ишлаб чиқаришлар,



логистика лойиҳалари ва кооперация алоқалари ташкил этилмоқда. Улар ҳам минтақанинги ички бозорига, ҳам ташқи йўналишларга мўлжалланган.

Энг фаол инвестор сифатида Туркия етақиликни сақлаб қолмоқда. 2025 йилда Туркия инвестициялари ҳамжи 2,4 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистонда турк капитали иштирокидаги корхоналар сони 2,14 мингга етди. Туркия бизнеси саноат ишлаб чиқариши, қурилиш соҳаси, тўқимачилик тармоғи ҳамда транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

ТДТ мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкори ҳисобланган Қозғистон аини вақтда инвестициявий ҳамкорликнинг муҳим иштирокчилариди бири бўлиб қолмоқда. Республикада Қозғистон капитали иштирокидаги 1,2 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида 2024 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланиши икки томонлама ҳамкорлиқни фаоллаштиришнинг муҳим омили бўлди. Натияжада

бугунги кунда Ўзбекистонда Озарбайжон капитали иштирокидаги 367 та корхона ишлаяпти.

Қирғизистон билан ҳар томонлама стратегик шериклик формати эса қўшма корхоналар сонининг 346 тагача ошишига хизмат қилди.

Венгрия капитали иштирокидаги корхоналар сони нисбатан кам бўлишига қарамай, амалга оширилатган лойиҳалар йирик ҳамжи ва технологик хусусияти билан



Озарбайжон ва Туркия билан транспорт ҳамкорлиги ҳам изчил кенгайиб бормоқда. 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги юк ташиш ҳамжи 28,3 фоиз кўпайди. Тошкент ва Боку ўртасида мунтазам авиақатновлар ҳафтаига 14 та рейс частотасида амалга оширилмоқда.

Туркия билан транспорт алоқалари ҳам юқори фаоллиги билан ажралиб туради. Икки мамлакат шаҳарлари ўртасида ҳафтаига 97 та мунтазам авиарейс амалга оширилади. Улар саккизта, жумладан, Истанбул ва Анқара йўналишларини қамраб олади.

Туркменистон минтақавий транспорт тизимининг муҳим йўналишлариди бири. Чегараолди савдони соддалаштириш бўйича амалий қадам сифатида "Шовот — Тошқовуз" қўшма савдо зонаси ишга туширилди. 2025 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги юк ташиш ҳамжи 22,5 фоиз ошиб, қарийб 1,8 миллион тоннани ташкил этди.

ТДТ доирасида товар айланмаси ўсиб бориши билан минтақа давлатлари ўртасида барқарор мультимодаль ўзаро боғлиқликни таъминлаш тобора долзарб вазифага айланимоқда. Бу темир йўл, автомобиль, авиация ва денгиз инфратузилмасини бирлаштирувчи интеграциялашган транспорт коридорлари тизимини шакллантириши талаб қилади.

Айнан шу нуқтаи назардан Транскаспий халқаро транспорт йўлига, яъни Ўрта йўлак алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон учун мазкур йўналиш нафақат транзит йўналиши, балки ўз маҳсулотларини Озарбайжон, Туркия, Европа ва Яқин Шарқ бозорларига етказиб бериш имкониятларини кенгайтириш воситаси сифатида ҳам муҳимдир.

Жаҳон логистикасидаги ўзгаришлар фониди Евроосиёдаги муқобил транспорт йўналишларини ривожлантириш долзарблиги янада ортмоқда. Геосиёсий беқарорлик натижада транспорт занжирларининг қайта шаклланиши Марказий Осиё давлатлари учун транспорт харажатларининг 30 фоизгача ошиши ва етказиб бериш муддатининг бир неча ҳафтага узайишига олиб келмоқда.

Бу шароитда "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли лойиҳасини амалга ошириш стратегик аҳамият касб этмоқда. Мазкур йўналиш Шарқ ва Ғарб ўртасидаги янги транспорт йўлагини шакллантирмоқда. Унинг ишга туширилиши юк етказиб бериш муддатини 10 кунгача қисқартириши ҳамда йилгича 15 миллион тоннагача юк ташиш имкониятини яратиши кутилмоқда.

Президентимиз саммитдаги нутқиди "Ўрта коридорнинг стратегик ролидан келиб чиқиб, биз уни аини пайтда қурилатган "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли билан боғлашга катта эътибор қаратамиз", деди. Келгусида мазкур йўналишининг Ўрта йўлак ва Трансафғон йўналиши билан боғлиани Евроосиёнинг янги транспорт конфигурациясини шакллантириши мумкин. Бундай тизимда Ўзбекистон нафақат транзит худуд, балки ўз юклари, логистика марказлари, транспорт компаниялари ва саноат майдонлари орқали қўшилган қийматнинг минтақавий занжирларида тўлақонли иштирокчига айланиши имкониятига эга бўлади.

Тўғридан тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон учун транспорт ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш ташқи савдонни кенгайтириш ва халқаро ишлаб чиқариш занжирларига интеграциялашувнинг энг муҳим шартлариди бири ҳисобланади. Шу шароитда транспорт соҳаси ТДТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлариди бирига айланимоқда.

Ташкилот мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳамжи ўсиши транспорт оқимлари сезиларли кенгайиши билан кузатишмоқда. Энг йирик юк ташувлари Қозғистон билан сақланиб қолмоқда. Чунки Ўзбекистоннинг Россия, Кавказ ва Европа йўналишидаги асосий қуруқлик йўналишлари аинан Қозғистон орқали ўтади. 2025 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги юк ташиш ҳамжи 22,3 миллион тоннадан ошди. Шундан 19,6 миллион тоннаси темир йўл транспортни хиссасига тўғри келди.

Қирғизистон йўналишида ҳам юқори динамика кузатишмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, Қирғизистон билан юк ташиш ҳамжи 22,4 фоиз ошиб, қарийб 5,4 миллион тоннага етди. Бунда экспорт юкларини ташиш ҳамжи барча транспорт турлари бўйича икки баробардан кўпроқча ошди.

Advertisement for 'УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!' with QR code and 'Ташаббус' logo.

Ташаббуслар илгари сурилди. Сунъий йўлдош маълумотлариди ва сунъий интеллект технологиялариди фойдаланган ҳолда экологик муаммоларга, сув танқислигига, чўлланиш

Озарбайжон ва Туркия билан транспорт ҳамкорлиги ҳам изчил кенгайиб бормоқда. 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги юк ташиш ҳамжи 28,3 фоиз кўпайди. Тошкент ва Боку ўртасида мунтазам авиақатновлар ҳафтаига 14 та рейс частотасида амалга оширилмоқда.

Туркия билан транспорт алоқалари ҳам юқори фаоллиги билан ажралиб туради. Икки мамлакат шаҳарлари ўртасида ҳафтаига 97 та мунтазам авиарейс амалга оширилади. Улар саккизта, жумладан, Истанбул ва Анқара йўналишларини қамраб олади.

Туркменистон минтақавий транспорт тизимининг муҳим йўналишлариди бири. Чегараолди савдони соддалаштириш бўйича амалий қадам сифатида "Шовот — Тошқовуз" қўшма савдо зонаси ишга туширилди. 2025 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги юк ташиш ҳамжи 22,5 фоиз ошиб, қарийб 1,8 миллион тоннани ташкил этди.

ТДТ доирасида товар айланмаси ўсиб бориши билан минтақа давлатлари ўртасида барқарор мультимодаль ўзаро боғлиқликни таъминлаш тобора долзарб вазифага айланимоқда. Бу темир йўл, автомобиль, авиация ва денгиз инфратузилмасини бирлаштирувчи интеграциялашган транспорт коридорлари тизимини шакллантириши талаб қилади.

Айнан шу нуқтаи назардан Транскаспий халқаро транспорт йўлига, яъни Ўрта йўлак алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон учун мазкур йўналиш нафақат транзит йўналиши, балки ўз маҳсулотларини Озарбайжон, Туркия, Европа ва Яқин Шарқ бозорларига етказиб бериш имкониятларини кенгайтириш воситаси сифатида ҳам муҳимдир.

Жаҳон логистикасидаги ўзгаришлар фониди Евроосиёдаги муқобил транспорт йўналишларини ривожлантириш долзарблиги янада ортмоқда. Геосиёсий беқарорлик натижада транспорт занжирларининг қайта шаклланиши Марказий Осиё давлатлари учун транспорт харажатларининг 30 фоизгача ошиши ва етказиб бериш муддатининг бир неча ҳафтага узайишига олиб келмоқда.

Бу шароитда "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли лойиҳасини амалга ошириш стратегик аҳамият касб этмоқда. Мазкур йўналиш Шарқ ва Ғарб ўртасидаги янги транспорт йўлагини шакллантирмоқда. Унинг ишга туширилиши юк етказиб бериш муддатини 10 кунгача қисқартириши ҳамда йилгича 15 миллион тоннагача юк ташиш имкониятини яратиши кутилмоқда.

Президентимиз саммитдаги нутқиди "Ўрта коридорнинг стратегик ролидан келиб чиқиб, биз уни аини пайтда қурилатган "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли билан боғлашга катта эътибор қаратамиз", деди. Келгусида мазкур йўналишининг Ўрта йўлак ва Трансафғон йўналиши билан боғлиани Евроосиёнинг янги транспорт конфигурациясини шакллантириши мумкин. Бундай тизимда Ўзбекистон нафақат транзит худуд, балки ўз юклари, логистика марказлари, транспорт компаниялари ва саноат майдонлари орқали қўшилган қийматнинг минтақавий занжирларида тўлақонли иштирокчига айланиши имкониятига эга бўлади.

Тўғридан тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган Ўзбекистон учун транспорт ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш ташқи савдонни кенгайтириш ва халқаро ишлаб чиқариш занжирларига интеграциялашувнинг энг муҳим шартлариди бири ҳисобланади. Шу шароитда транспорт соҳаси ТДТ доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлариди бирига айланимоқда.

Ташкилот мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳамжи ўсиши транспорт оқимлари сезиларли кенгайиши билан кузатишмоқда. Энг йирик юк ташувлари Қозғистон билан сақланиб қолмоқда. Чунки Ўзбекистоннинг Россия, Кавказ ва Европа йўналишидаги асосий қуруқлик йўналишлари аинан Қозғистон орқали ўтади. 2025 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги юк ташиш ҳамжи 22,3 миллион тоннадан ошди. Шундан 19,6 миллион тоннаси темир йўл транспортни хиссасига тўғри келди.

Қирғизистон йўналишида ҳам юқори динамика кузатишмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, Қирғизистон билан юк ташиш ҳамжи 22,4 фоиз ошиб, қарийб 5,4 миллион тоннага етди. Бунда экспорт юкларини ташиш ҳамжи барча транспорт турлари бўйича икки баробардан кўпроқча ошди.

Ташаббуслар долзарб бўлиб, минтақавий муаммоларни ҳал қилишга, умумий манфаатларга хизмат қилади. Шу маънода, космик ҳамда сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлаш, улар орқали таҳлилий хулосалар қилиб, турли йўналишларда фойдаланиш ниҳоятда муҳим. Бу бутун дунё таърибаси. Ҳозир дунёда ушбу йўналишга инвестициялар кўп киритилаётганининг боиси ҳам шунда.

Рақамли тизим имкониятлари

Туркистонда ўтган саммит мавзуси сунъий интеллект ва рақамли ривожланишга бағишлангани иқтисодий кун тартиби билан бевосита боғлиқ. Замонавий савдода рақобатбардошлик энди фақат маҳсулот сифати ёки бозоргача бўлган масофа билан белги-ланмайди. Расмийлаштириш тезлиги, логистика шаффофлиги, рақамли тизимларнинг ўзаро мослиги ҳамда бизнеснинг ахборотта кириш имкониятлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТДТ мамлакатлари учун рақамли интеграция ҳамкорлигининг энг амалий йўналишлариди бирига айланиши мумкин. Электрон савдо стандартларини уйғунлаштириш, рақамли ҳужжатларни ўзаро тан олиш, божхона ахборот тизимларини интеграция қилиш ва бизнес учун рақамли реестрларни яратиш транзакцион харажатларни камайтириш ҳамда компанияларнинг ҳамкор давлатлар бозорларига чиқишини соддалаштириш имконини беради.

Бу, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун муҳим аҳамиятга эга. Қўллаб компаниялар тариф тўсиқлариди кўра кўпроқ ҳамкорлар, талабар, сертифицикатлар, логистика ва тўлов инструментлари ҳақидаги маълумотлар етишмаслигига дуч келмоқда. ТДТ мамлакатлари бизнеси учун ягона рақамли платформа яратилиши савдонни кенгайтиришнинг амалий воситасига айланиши мумкин. Айниқса, бу чегараолди ва минтақавий таъминот занжирларида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон сўнгги йилларда давлат хизматлари ва бизнес муҳитини рақамлаштириш бўйича катта таъриба тўпладди. Ушбу таъриба Ташкилот доирасида, айниқса, электрон хизматлар, рақамли платформалар, божхона маълумотларини ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳаларида талаб юқори бўлиши мумкин.

Хулоса

Туркий давлатлар ташкилоти босқичма-босқич иқтисодий ҳамкорликнинг янада амалий моделига ўтмоқда. Ўзбекистон учун мазкур жараён экспорт салоҳиятини кенгайтириш, саноатни ривожлантириш ва ташқи бозорлар билан ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичига тўғри келмоқда.

ТДТ доирасида иқтисодий ҳамкорлик чуқурлашиб бориши билан Ўзбекистоннинг минтақавий савдо, транспорт ва ишлаб чиқариш алоқаларини шакллантиришдаги роли ҳам ортиб бормоқда.

Саммитда сунъий интеллект ва рақамли технологияларни ривожлантириш ҳамда жорий этиш масаласи бош муҳокама мавзусига айланиши минтақа давлатларида иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий форматларига талаб ортиб бораётганини кўрсатди. Аввало, gap савдо ва логистикани рақамлаштириш, электрон хизматларни ривожлантириш, инфратузилма ечимларини интеграция қилиш ҳамда минтақа ичидаги транзакцион харажатларни қисқартириш ҳақида борапти.

Шу тариха Ўзбекистоннинг ТДТ норасмий саммитидаги иштироки тобора амалий иқтисодий мазмун касб этяпти. Савдонни кенгайтириш, мультимодаль транспорт йўлакларини ривожлантириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, инвестициявий ҳамкорлик ва рақамли ўзаро боғлиқлик кучайиши Евроосиёнинг минтақавий ишлаб чиқариш ва логистика занжирларида янада чуқур интеграциялашув учун асос яратмоқда.

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ишлар ҳар жабҳада жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, космик технологиялар йўналишида ташкилот негизда Космик кенгаш фаолият юритмоқда. Ушбу кенгашда барча аъзо ва кузатувчи давлатларнинг соҳа вакиллари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар устида ишланилди. Мисол учун, Қозғистон билан ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида минтақамиздаги экологик ва сув масалаларида мониторинг қилинаётган бўлса, озарбайжонлик ҳамкасблар билан мамлакатимиз худудиди ерларнинг шўрланиши даражаси ўрганилмоқда.



Муҳиддин ИБРАГИМОВ, "Ўзбеккосмос" агентлиги директори ўринбосари

Туркия олий таълим муассасаларида ўзбекистонлик ёшларни аэрокосмик инжиниринг йўналиши бўйича қисқа муддатли

стажировкага юбориш режалаштирилган. Энг асосий лойиҳа эса ТДТ доирасида биринчи сунъий йўлдошни учирини масаласидир. Бундай лойиҳа бўйича барча аъзо давлатлар биргаликда ишлаяпти.

Ўзбекистон ушбу ташаббусда ўзимизда ишлаб чиқилган махсус сунъий йўлдош двигатели билан қатнашяпти. Мазкур двигатель Ўзбекистонда маҳаллий мутахассис ва муҳандислар томонидан ясалмоқда. У сунъий йўлдошни орбитага олиб чиқиш ва орбитадаги манёврлигини таъминлаб беради. Бундай двигатели, умуман олганда, космик элементларни ишлаб чиқариш Ўзбекистон учун жуда катта янгиликдир. Бу қийин технология бўлиб, ташкилотга аъзо мамлакатлар муҳандислари билан маслаҳатлашилди. Уни лойиҳалаш, прототипини йиғиш ва ўша прототипни синовдан ўтказиш ишларини мукамал амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда сунъий йўлдошга интеграция қилинадиган учув модели йиғилляпти. Иш жорий йил охиригача якунига етказилади.

Туркий давлатлар ташкилотининг Қозғистонда бўлиб ўтган норасмий саммити

ҲАМКОРЛИҚДА ИЛК СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ УЧИРИЛАДИ



Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ишлар ҳар жабҳада жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, космик технологиялар йўналишида ташкилот негизда Космик кенгаш фаолият юритмоқда. Ушбу кенгашда барча аъзо ва кузатувчи давлатларнинг соҳа вакиллари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар устида ишланилди. Мисол учун, Қозғистон билан ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида минтақамиздаги экологик ва сув масалаларида мониторинг қилинаётган бўлса, озарбайжонлик ҳамкасблар билан мамлакатимиз худудиди ерларнинг шўрланиши даражаси ўрганилмоқда.



Муҳиддин ИБРАГИМОВ, "Ўзбеккосмос" агентлиги директори ўринбосари

Туркия олий таълим муассасаларида ўзбекистонлик ёшларни аэрокосмик инжиниринг йўналиши бўйича қисқа муддатли

стажировкага юбориш режалаштирилган. Энг асосий лойиҳа эса ТДТ доирасида биринчи сунъий йўлдошни учирини масаласидир. Бундай лойиҳа бўйича барча аъзо давлатлар биргаликда ишлаяпти.

Ўзбекистон ушбу ташаббусда ўзимизда ишлаб чиқилган махсус сунъий йўлдош двигатели билан қатнашяпти. Мазкур двигатель Ўзбекистонда маҳаллий мутахассис ва муҳандислар томонидан ясалмоқда. У сунъий йўлдошни орбитага олиб чиқиш ва орбитадаги манёврлигини таъминлаб беради. Бундай двигатели, умуман олганда, космик элементларни ишлаб чиқариш Ўзбекистон учун жуда катта янгиликдир. Бу қийин технология бўлиб, ташкилотга аъзо мамлакатлар муҳандислари билан маслаҳатлашилди. Уни лойиҳалаш, прототипини йиғиш ва ўша прототипни синовдан ўтказиш ишларини мукамал амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда сунъий йўлдошга интеграция қилинадиган учув модели йиғилляпти. Иш жорий йил охиригача якунига етказилади.

Туркий давлатлар ташкилотининг Қозғистонда бўлиб ўтган норасмий саммити

Advertisement for 'УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!' with QR code and 'Ташаббус' logo.

Ташаббуслар долзарб бўлиб, минтақавий муаммоларни ҳал қилишга, умумий манфаатларга хизмат қилади. Шу маънода, космик ҳамда сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлаш, улар орқали таҳлилий хулосалар қилиб, турли йўналишларда фойдаланиш ниҳоятда муҳим. Бу бутун дунё таърибаси. Ҳозир дунёда ушбу йўналишга инвестициялар кўп киритилаётганининг боиси ҳам шунда.

www.yuz.uz

yuz.uz\_news

yuz\_official

yuz.uz\_news

yuz.uz\_news

Таҳлил

# АЁЛЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯ – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯ

Жамила БОБОНАЗАРОВА,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси



Бугунги глобал рақобат шароитида давлатнинг ҳақиқий кучи табиий ресурслар ёки молиявий имкониятлар эмас, аввало, инсон капитали билан белгиланмоқда. Шу нуқтаи назардан, аёлларга инвестиция киритиш ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига бўлиб қолмай, интеллектуал, инновацион ва иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган стратегик йўналиш ҳамдир.

Янги Ўзбекистон сиёсатида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш тараққиётнинг муҳим устувор вазифаси сифатида қаралмоқда. Айниқса, таълим, илм-фан, инновация ва тадбиркорлик соҳаларида аёллар иштирокини кенгайтириш мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун дунё иқтисодиёти билим ва технологияларга асосланган. Шу боис, STEM, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, биотехнология ва “яшил иқтисодиёт” каби соҳаларда хотин-қизлар иштирокини кучайтириш келажак тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланмоқда. Аёлларнинг инновацион тадбиркорликка жалб қилиниши янги иш ўринлари яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг технологик салоҳиятини юксалтиришга йўл очади.

Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий ва инсти-

туционал база шакллантирилмоқда. Кейинги саккиз йилда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 110 дан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Жумладан, 2025 йилнинг ўзида қабул қилинган битта қонун, Президентимизнинг иккитадан фармон ва қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари соҳадаги ишловларни изчил ва тизимли тус олаётганини кўрсатади.

Статистик маълумотлар ҳам мазкур сиёсатнинг амалий натижаларини тасдиқламоқда. Бугун Ўзбекистон аҳолисининг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Аёлларнинг умр давомийлиги ошиб бораётгани, таълим ва иқтисодий фаоллик даражаси юксалаётгани мамлакатда инсон капитали сифатида инвестиция кучайиб бораётганини аниқлатади.

Энг муҳими, стратегия аёлларни фақат ижтимоий ҳимоя объектисига эмас, балки мамлакатнинг интеллектуал ва инновацион тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида кўраётгани билан аҳамиятли. Бу ёндашув миллий тараққиётга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Бухорода ўтган Осиё хотин-қизлари иккинчи форуми доирасида ташкил этилган параллел сессияларда бу жиҳатлар алоҳида муҳокама этилди. Жумладан, давлат ва жамият бошқаруви ҳамда сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида хотин-қизлар иштирокини кенгайтиришнинг долзарб масалалари, хотин-қизларнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш — барқарор бандлик, тадбиркорлик ва мувозанатлашган минтақавий ўсиш омилли, илм-фан, таълим, экология, инновация ва сунъий интеллект соҳаларида хотин-қизлар, янги авлод имкониятлари ва хотин-қизларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ҳамда рақамли муҳитда хавфсизлигини таъминлаш, барқарор ва инклюзив жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналишлари муҳокаманинг асосий мавзулари бўлди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни касб-ҳуна ва тадбиркорликка жалб этиш, инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш борасида амалий механизмлар жорий этилмоқда. Хусусан, 2023 йилда қарийб 209,5 минг хотин-қиз касб-ҳуна ва тадбиркорликка ўқитилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 366,5 мингдан ошди.

Бугун Ўзбекистон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларни илм-фан, инновация ва тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича Марказий Осиё минтақасида илгор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Форум яқунлари бўйича декларация қабул қилинган, унда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, аёллар лидерлиги, таълим, инновация ва барқарор ривожланиш соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Бу ҳақда Бухоро анжуманининг самарасини, ўз навбатида, қўшимча хотин-қизлар учун аҳамиятини намойён этади, албатта.



## Халқаро конференция

БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилдаги резолюциясига мувофиқ, бутун дунёда ҳар йили 15 май — Халқаро оила куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан мамлакатимизда ҳам “Оиламиз — келажакимиз” ойлуги ўтказилмоқда.

# ФАРОВОН ОИЛА МОДЕЛИ



анжуман моҳиятини очиб беришга хизмат қилди.

— “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти томонидан жорий йилнинг март-апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрида 12,5 мингдан ортқ респондент ўртасида оилаларнинг бахтлилик даражасини ўрганиш мақсадида социологик сўровлар ўтказилди. — дейди мазкур институт директори Нодира Эгамбердиева. — Сўровларда оилаларнинг иқтисодий фаровонлик даражаси, демографик барқарорлик ҳолати, соғлом ҳаёт кечирishi давомийлиги, таълим олиш имкониятлари ва иш билан таъминланганлик, оилавий ҳаётдан қониқшиш ва оилавий бахтни ҳис қилиш, оилавий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти, оилаларнинг давлат органлари фаолияти ҳамда давлат хизматларидан қониқшиш даражаси ўрганилди.

**Тадқиқот натижаларига кўра, 2026 йилда Ўзбекистон оилаларининг умумий бахтлилик индекси 0,618 баллини ташкил этди. Баҳолаш мезонларига мувофиқ, мазкур кўрсаткич бахтлилик даражаси юқори эканини намойён этмоқда.**

Конференция доирасида хорижий, маҳаллий эксперт, олим ва соҳа мутахассислари мақолалари жамланди ҳамда тўғривалли шакллантирилди. Фаровон оила моделини ривожлантиришга оид илмий резолюция, стратегик таклифлар ва келгуси тадқиқотлар учун устувор йўналишлар белгиланди.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ойлик доирасида пойтахтимизда “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти томонидан “Янги Ўзбекистонда фаровон оила модели: миллий таъриб, илмий таҳлил ва инновацион ёндашувлар” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжумандан кўзланган асосий мақсад янги Ўзбекистонда оила институтининг барқарор ривожланишини таъминлаш, замонавий ҳуқуқий-институционал механизмлар, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятлари асосида фаровон оила моделининг илмий-назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришдир.

Халқаро конференция глобал трансформация жараёнида миллий оилавий қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, демографик барқарорликни таъминлаш, репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш ҳамда гендер тенглик ва оила-иш мувозанатини қўллаб-қувватлашга қаратилган инновацион ёндашувларни илмий мулоқот майдонида бирлаштирди.

Мазкур анжуман илм-фан, давлат бошқаруви ва халқаро тажрибалар интеграцияси орқали инсон капитали

ривожига оиланинг стратегик аҳамиятини очиб бериш, шунингдек, замонавий жамиятда фаровон оила моделини шакллантиришга хизмат қилувчи илмий ечим ва амалий таклифларни ишлаб чиқишга йўналтирилган билан муҳим аҳамият касб этади.

Ингилишда 10 дан ортқ хорижий эксперт, оила соҳасида фаолият юритаётган 80 дан зиёд олим, тегишли вазирлик ва идоралар вакили иштирок этди. Шунингдек, миллий ва халқаро ташкилотлар эксперт-мутахассислари маъруза ва тақдиротлари билан қатнашди.

Кун тартибидан ўрин олган “Оила институтининг барқарор ривожланиши ва фаровон оила моделини шакллантиришнинг ҳуқуқий-институционал асослари”, “Глобаллашув шароитида оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда фаровон оилани таъминлашда рақамли технологиялар ва сунъий интеллектга асосланган ёндашувлар”, “Демографик барқарорликни таъминлаш ва репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш масалалари” ҳамда “Оилада гендер тенгликни таъминлаш ва оила-иш мувозанатини қўллаб-қувватлаш механизмлари” мавзуларидаги маърузалар

“Стратегия аёлларни фақат ижтимоий ҳимоя объектисига эмас, балки мамлакатнинг интеллектуал ва инновацион тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида кўраётгани билан аҳамиятли. Бу ёндашув миллий тараққиётга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.



# МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШОНЧИ ВА ЖАМИЯТДАГИ АДОЛАТ МЕЗОНИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

## Ислоҳотлар самараси



Бекзод ТОҒАЕВ,  
Республика Маънавият ва  
матрифат маркази бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида давлат сиёсати муваффақияти мавҳум макрониктисодий фоизлар эмас, балки инсоннинг кундалик ҳаёт сифати билан ўлчанмоқда. Макрониктисодий ўсишнинг ижтимоийлашуви кўйиндаги омилларда яққол намойён бўлмоқда:

— децентрализация ва молиявий мустақиллик: “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилиши фуқароларга ўз ҳудудидаги

муаммоларни (йўл, сув, инфратузилма) мустақил ҳал қилиш ваколатини берди. Бу жамиятда боқимандалик кайфиятини йўқотиб, дахлдорлик хиссини уйғотмоқда;

— инсон капиталига инвестиция: мактабгача таълим қамровининг 27 фоиздан 74 фоизга кескин ошиши, Президент мактаблари тармоғи ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ишлаши давлатнинг асосий капитали интеллектуал ва соғлом авлод эканини тасдиқлайди.

Иккинчи йўналиш — институционал меритократияда ҳам қатта ютуқларга эришилди, таъбир жоиз бўлса, кадрлар сиёсатида инқилоб юз берди.

Давлат бошқарувини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққан энг муҳим ҳуқуқий қадам Президентимизнинг 2025 йил 19 июндаги “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бўлди. Мазкур ҳужжат кадрлар сиёсатида эскича ёндашувларни бутунлай йўққа чиқариб, меритократия (муносиблар ҳукмронлиги) тизимини ўрнатди. Бу қўйидагиларда намойён бўлди:

— очик рақобат ва шаффоқлик: 2025 йил 1 августдан вакант лавозимларга онлайн прокторинг ва инсон омилсиз баҳолаш тизими орқали қабул қилиниши таниш-билишчиликка чек қўйди;

— компетенцияга асосланган баҳолаш: давлат хизматчисининг салоҳияти энди курак



иш стажи билан эмас, балки IQ (интеллектуал коэффициент), психологик барқарорлик ва бошқарув қобилияти билан ўлчанмоқда. “Касбий ривожлантириш харитаси” орқали ҳар бир ходимнинг ўсиши реал вақтда кузатишмоқда;

— лидерлар селекцияси: “Миллий кадрлар захираси” ва “ТОП-100” дастурлари доирасида янги авлод бошқарувчилари

селекция қилинмоқда. Эндиликда кадрлар бўлими шунчаки қоғоз тўлдирувчи эмас, балки раҳбарнинг стратегик маслаҳатчисига айланди.

Учинчи йўналиш — рақамли шаффоқлик ва жамиятнинг ижтимоий сергаглиги бўйича ҳам кўп ва ҳўп ёзиш мумкин.

Асосийси, рақамлаштириш бугунги кунда нафақат техник жараён, балки “адолат

Инсон капиталига инвестиция: мактабгача таълим қамровининг 27 фоиздан 74 фоизга кескин ошиши, Президент мактаблари тармоғи ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ишлаши давлатнинг асосий капитали интеллектуал ва соғлом авлод эканини тасдиқлайди.

қуроли” ва коррупцияга қарши энг кучли превентив механизмлардан бирига айланади.

Унинг намойён бўлиши: — хизматларнинг рақамли трансформацияси: илгари ойлаб давом этадиган бюрократик жараёнларнинг “Му.gov.uz” портали орқали 200 дан ортқ масофавий хизматга ўтказилиши инсон омилни минималлаштирди. Бу борада ўтказилган махсус тадқиқотларда

сўров иштирокчиларининг 76,3 фоизи бу енгилликни алоҳида эътироф этгани тизимнинг тўғри ишлаётганини кўрсатади;

— ижтимоий назорат: респондентларнинг 76,8 фоизи давлат органлари фаолиятини ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб, муносабат билдираётгани фуқаролик жамиятининг уйғонгани ва ижтимоий назорат институтининг реал ишлаётганидан далолатдир.

Давлат хизматчисининг маънавий-руҳий трансформацияси мавзуси ҳам муҳим жиҳатлардан. Зеро, энг муқаммал қонунлар ва энг илгор технологиялар маънавиятсиз ва виждонсиз раҳбар қўлида ўз кучини йўқотади. Шу сабабли бугунги кунда “Маънавий индекс” ва касбий маҳорат уйғунлиги давлат хизматининг кўйиндаги олтин қондаларига айланади:

— эмпатия ва маҳаллабай тизим: аҳолининг 80 фоизи муаммо туғилганда биринчи бўлиб маҳаллага суянади ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла раисларининг чинакам “таън тоғи”га айланганини кўрсатади. Илгари фуқаро давлат идорасига борган бўлса, бугун давлат фуқаронинг хонадонига кириб бормоқда;

— ички интизом ва қадриятлар: таҳлилларга кўра, соҳа ходимларининг 58,8 фоизи ҳалолликни бош мезон деб билиши ҳамда тизимда “устоз-шоғирд” аънанеси орқали 89,9 фоизи ижобий маънавий муҳит яратилгани давлат аппаратининг ички иммунитетини шакллантириши билдиради. Бу жамиятда жорий этилаётган “ҳалоллик вакцинаси”нинг амалдаги самарасидир.

Янги Ўзбекистонда давлат хизматчисининг тафаккури тубдан ўзгармоқда. Улардаги “Фаолиятим менга нима берди?” деган тор истеъмолчилик кайфияти ўрнини “Мен халқим учун нима қила оламан?” деган кенг қамровли, бунёдкорлик мафқураси эгалламоқда. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор ортда инсон тақдирини ётганини теран англаш, юксак муомала маданиятига эга бўлиш ва эл дарди билан яшаб бугунги кун раҳбарининг нафақат хизмат вазифаси, балки олий маънавий бурчдир. Зеро, миллий қадриятларимиз ва замонавий бошқарув технологияларини ўзида муҳажасам этган ушбу тизимнинг пировад мақсади битта: халқни давлатдан ва бугунги яшаётган ҳаётдан рози қилишдир.



Ажиб ўлка экан бу Озарбайжон. Ҳар бир қадамида улуг шоиру адиблар хоки ётибди. Ҳар бир кенту қишлоғида буюк мутафаккирлар руҳи кезиб юрибди.

www.yuz.uz | official | yuz.uz\_news | yuz.uz\_news | Taassurot



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

# НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ ЮРТИДА УЧ КҮН

Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор

Ўзбек — озарбайжон адабий алоқалари қадимий ва муштарак илдирилган эга бўлгани учун ҳам бугунга келиб чинакам юксалиш босқичига кирди. Ўтган замонларда бу икки қондош ва жондош эл адабий дўстлиги алоҳида шоиру адиблар фаолияти мисолида ривожланиб келган бўлса, айна кезде бу борадаги ўзаро муносабатлар хар қачонгидан ҳам кент кўламда равнақ топаётир. Ўзаро ижтимоий-сиёсий ва маданий-адабий алоқаларимиз янги даражада такомилга етмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев тақдирига кўра, амалий ташрифи билан қарош мамлакатда бўлиб, Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси тadbирларида иштирок этди. Тили ва дини, анъана ва қадриятлари бир бўлган икки халқ, икки давлат бирдамлигининг истиқбол борасида янги залворли қадамлар қўйилди.



адабий муҳит шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган, Низомий Ганжавий билан дўстона муносабатда бўлиб, “Тухфат ул-Ироқайин” (“Икки Ироқ тухфаси”) асари билан озарбайжон адабиётида дostonчиликка асос солган Хоқоний Ширвоний ҳам ана шу мавводан етишиб чиққан. Устоз Нажмиддин Комилов унинг машҳур “Миръот ус-сафо”сини ўзбек тилига таржима қилган. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил сингари сўз санъати даргалари татаббу ёганининг ўзиёқ бу қасиданинг Шарқ эстетик тафаккури ривожига тутган ўрни қанчалик баян бўлганга далолат қилади.

Шамаҳилик XX аср шоири Муҳаммад Ходий жадид боболаримиз билан яқин муносабатда бўлган. Шейрлари ҳам Ватан ва миллат дарди ила йўғрилган, жадидона руҳда. “Алвоҳи иттибоҳ ёхуд инсонларнинг тарихий фожиялари” номли муомтоз манзумасида Биринчи жаҳон уруши жангтоҳларидаги қирғинбарот таассуротларини тасвирли ифодалаган:

Насл, қўрдингму тарихи башар қонлар-ла бошланмиши,  
Э воҳ, қонлар-ла, афгонлар-ла,  
хусронлар-ла бошланмиши,  
У қон тарихида ноқобил инсонлар-ла бошланмиши...  
Боқиллар қўқали, юзлар бутун ношоид шакланда,  
Бу мотамгоҳи ким қўрмиш суруробод шакланда.

Шоир наздида, инсон нақадар муқаррам ва шарофли бўлса, шу қадар тубан ва бадбахт ҳамдир. Эзуликка нечоғлиқ қодир бўлса, ёвузлик бобода ҳам унга тенг келадиганини топиш маҳол. Башар тарихи қон тўкиши билан бошлангани ҳақида ёзар экан, шоир одамдод кечмиши ибтидоидаги Қобил ва Хобил воқеасига ишора қилади. Шундан буён қонлар, афгонлар, хусронлар (адашувлар — Н.Ж.) муттасил давом этаётганига таассуф билдиради. Шоир шейрида ифодаланган изтиробу андуҳга йўғрилган фикрлар бундан келадиган хунрезликлар, мураккаб ва зиддият-қоҳлатларга уйғунлиги жиҳатидан ахамиятлидир.

Шейрият ва нафосат шаҳри Шамаҳидан ўтар эканмиз, ана шу каби гоҳ қувончли, гоҳ

Ганжа Ватан, кўнгли онинг ганжхез, Хотирни ганжсуру тили ганжрез.

Ушбу байта Низомийнинг ватани Ганжа, кўнгли ганжхез — маъно жавоҳирларини улашувчи, хотири хазиналарни сақловчи бўлса, тили — дуру гавҳарлар тўкувчи, яъни қиммати баян, теран маъноли сўзларни айтвучи экани таъкидланган.

Не ажабки, биз ана шу тарихий шаҳардамиз. Бизни Ганжа шаҳри ҳокими ўринборсари Одил Тағиев ва Озарбайжон Фанлар

Улуғлар зиёрати — кўнгилар ҳаловати

Сафаримизнинг учинчи куни ҳам зиёрат билан бошланди. Боку шаҳридаги “Шаҳидлар хибони”даги шўро даври фитналарининг қурбони бўлган шахидлар хотирланди. Шундан сўнг Озарбайжон Республикасининг биринчи президенти Ҳайдар Алиев қабри



академияси Ганжа бўлими масъул котиби Алимхотро Мухторов кутуб олди. Биргалликда Низомий Ганжавий зиёратига бордик. Кўнгиларимиз мундай эриб, Курьон тиловат этдик. Буюк Низомий ва улуг Навоийнинг пок руҳлари, қардош халқларимиз дўстлиги ва адабий ҳамкорлиги юксалиши учун барча имкониятларни яратиб бераётган икки давлат раҳбарига ҳақиқа хайри дуолар қилдик. Интизор бўлиб келганимиз зиёратдан дилларга нур инди, руҳимиз ойнаси губорлардан арди.

Мезоблардан бири қизик савол берди: “Ганжага фақат Низомий зиёрати учун келдингизми?”. Биз: “Ҳа, Низомий Ганжавий зиёрати кўларимизга нур, кўнгиларимизга сурур берди”, дея жавоб бердик. Тошкент ва Ганжа шаҳарлари орасидаги масофа ҳаво йўли орқали тахминан 2000-2100 километрни ташкил этса, автомобиль йўли орқали бундан ҳам анча узоқ — қариб 3000 километр экан. Эҳтимол, қардошимиз саволда ҳам жон бордир. Лекин Низомий ва Навоий муносабатларидан яхши хабардор ўзбек зиёлиси бу йўлни буюк Низомий зиёрати учун босиб ўтишни шараф деб билиши аён.

“Сади Искандарий” дostonида Ҳазрат Алишер Навоий буюк салафлари — Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ва бошқа улуглар билан ҳол тили ила мулоқот қилмоққа муяссар бўлади. Шунда Низомий Ганжавий Ҳазрат Навоийга қарата мана бундай сўзларни айтади:

Силеҳр айлаб эл ичра нодир сени,  
Жаҳон назми таврида қодир сени...  
Ки, келди замонида сендек киши —  
Ки, эрмас ишинг одамдод киши.

Ҳазрат Низомий буюк халофи Алишер Навоийнинг бундай улуг даражага эришуви сабабини бу ишга поклик ила қўл урган, поклар руҳи унинг йўлини очгани, ҳар саҳар улуг устозлари руҳини дуо билан шод этгани, улар номини ихлос ила ёд этгани билан изоҳлайди. “Иўк эрса эрур асру савдои хом, Ики йилда бир “Хамса” қилмоқ тамом”, дея “Хамса”ни икки йилда якунлаб, шараф топгани ана шу фазилатлари туфайли эканига урга беради. Биз ҳам бу улуг сиймолар зиёратидан кечис баҳра олдик.

Ҳазрат Низомий зиёратидан сўнг фузулийшунос олим ва адиб Мир Жалол Пашаев уй-музейида бўлдик. Адибнинг ибратли ҳаёт йўли, қимматли асарлари билан танишдик. Озарбайжон Эъзари билганининг Ганжа вилояти филиалида шоиру адиблар билан қизгин ижодий мулоқот ўтказилди. Озарбайжон халқ ёзувчиси Анар Рзаевнинг онаси Нигор Рафибейли ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, шоира хотирасига эҳтиром кўрсатилди. Ганжа сафари буюк Низомий зиёрати баробарида беназир мутафаккирининг бутунги издошлари ижоди билан ҳам яқиндан танишилди, икки улуг шоир авлодлари ўртасидаги дўстлик кўприклари янада мустаҳкамлангани билан ҳам хотирамизга муҳланди. Ёруғ хайлар оғушида Ганжа — Боку йўлини қандай босиб ўтганимизни ҳам сезмадик.

зиёрат этилиб, улуг давлат арбоби ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди. Шу масканда дафн этилган машҳур шоир Самад Вургун қабрини зиёрат қилар эканмиз, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид унинг мана бу сатрларини берилиб ўқиди:

Агар сандан тонор бўлсам,  
насибим оху зор ўлсин,  
Баҳорим қишга айлансин,  
чекмасиз бир дийр ўлсин.  
Чаманзорим, боғим-боғчам тўқилсин,  
бори хор ўлсин,  
Мазорим ўт олиб ёнсин,  
бу ишқим ошкор ўлсин.

Кўй, эй булбул! Тин, эй довул,  
ки хоҳиши иштироҳатдир,  
Бу ерларда илшжим йўқ,  
юначим бир савҳатдир.  
Ўлим, эй воҳ, бу неъматдир,  
бу бир шонли саодатдир,  
Агар бевақт ўлар эрсам,  
рақибим бахтиёр ўлсин...

— Бу шейри Раззоқ Абдурашид таржима қилган, — деди Сирожиддин Саййид. — Бетакрор шейр ва унинг беназир таржимаси!

Шоирнинг қувваи ҳофизаси барчамизни ҳайратлантирди. Сўз Фузулий ҳақида кетагани ёки Мулла Панох Воқиф, Самад Вургун тўғрисидаги ёки Бахтиёр Ваҳобода хусусида — Сирожиддин ака улар шейрларидан дурдона мисраларни ёддан айтади.

Бокуда вақтга қўйилган ҳайкал

Зиёратдан сўнг Озарбайжон Эъзарлар бирлиги мажлислар залида Сирожиддин Саййиднинг озарбайжон тилида нашр этилган “Вақт ҳайкали” шейрий тўплами тақдироти ўтказилди. Тақдирини очиб бера экан, Анар муаммо мана бундай сўзларни айтди: “Бутун ўлуш қонунимизга Навоий ва Бобур юрти — қардош Ўзбекистондан келган делегация аъзоларига хуш келибсиз дейимиз! Азалдан қондош ва бир-биримизни яхши билган элимиз. Икки халқнинг бирдамлигини, икки Президентнинг дўстлигини билиб, кузатиб турибмиш. Давлатларимиз раҳбарлари юритаётган сиёсат тахсинга сазовор. Бу дўстлик адабий ҳамкорлигимизга ҳам кент йўл очаетир. Сирожиддин Саййиднинг “Вақт ҳайкали” китоби озарбайжон тилига таржима этилгани ҳаммамизни хурсанд қилди. Бу китоб Ўзбекининг улуг шоири асарлари таржималарининг дебонасидир. Ҳали кўп юксак шейрлари, дostonлари таржима этилиб, озарбайжон халқининг адабий маънавий хазинасига айланажак”.

Или йўларида, буюк Навоий бобомиз меросни ўрганиши ва халқимизга етказиш йўлида баҳоли қудрат хизмат қилиб юрган бир

мутахассис сифатида Анар муаллимнинг: “Ўзбекистондан таниқли олим Нурбой Жабборов домла келган, биз уни машҳур навоийшунос сифатида биламиз”, деган фикрлари тафаккуримга нур, кўнглимга сурур бағишлади. Бу эътироф, табиийки, бундан кейин қилинадиган катта ишлар учун масъулият ҳиссини юклайди.

Тақдиротда Ўзбекистоннинг Озарбайжон Республикасидаги Фахвлонда ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафонов Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Вақт ҳайкали” китоби таржимаси икки халқ адабий алоқалари ривожига алоҳида ўрин тутганини, таржимонлар Акиф Бағиров ва Яшар Қосимов хизматлари тахсинга лойиқ эканини алоҳида таъкидлади. Бундай китоблар икки халқ дўстлигини юқори даражада юксалтириши хусусида сўзлади. Қамина ҳам ушбу шейрий тўплам таржимасининг ахамияти хусусида гапирдик.

“Вақтга ҳайкал қўймоқ пайти ҳам етди!” — ушбу сатр Сирожиддин Саййиднинг 1984 йили ёзилган “Сақсонинчи йиллар” дostonидан олинган. Вақт деган улуг неъматни қадрлаш, уни елга совиришдан сақланмоқ, асл ҳақиқатларга бағишламоқ — вақтга ҳайкал қўйиш деганда шоир ана шу теран моҳиятни назарда тутди.

Ҳаём!  
Кўларингни мендан яширма!  
Ҳаём!  
Дардиларимга ўзинг бер ҳаём!  
Сен ўзинг дунёда энг буюк бахтсан,  
Сен ўзинг дунёда энг буюк фарёд.

Шоир ана шу энг буюк бахт ва энг буюк фарёд бўлган ҳаёт фалсафасини ўзига хос талқин этди. Унингча, ҳаёт Ҳазрат Навоий қўйлаган азоб, устоз Гафур Гулом эъзозлаган эзгу дард. Зеро, ҳақиқий шейр ана шу азоб ва эзгу дард ҳосиласи. Вақтга ижодкор кўнжак ҳайкал “Фоний хасрат эмас — Олий Оруздан, Уткинчи зам эмас — Юксак Ишондан” қурилмоғи зарур. “Тўғендан, виждондан, зиёдан, тондан, Шабнамдан, қасамдан, севаги, қувончдан” бунёд этилмоғи керак бу ҳайкал.

Ҳақиқий шоир фақат ўзини ўйлай олмайди. Унинг юрагини музди миллат дарди, башариат дарди ўргайди. У Ҳазрат Навоий бўлиб Астробада сургун этилади, Собир Термизий бўлиб сувга гарқ қилинади. Замондан қуён янгиб ўтиб, “Бобурнома” бўлиб битилди. Дунёда кечаётган уруш-таллошлар, зулм-ўлдирчилик, талон-тароқлар қалбини муттасил изтиробга солади, руҳини гам денгизига чўктиради. Афғонистон қумларига аскарлар йиқилганда У ҳам ёзув столида сўзсиз ярланади. Женевадаги тинчлик шартномалари чўзилганда, уни тахликага солган мунддатлар ҳам узади. Никарагуада, Байрутда юз берган вайронгарчилик ва котилликлардан дафтарига қон сачрайди, самолар жон берган Муин Биссу хасратини унинг ҳам кўнглига мунг солади. Она кўз ёшлари тинимсиз дунё кўз ёшларининг моҳиятини англайди. Инсон дард билан буюк эканини юракдан ҳис этади. Бутун дунё виждонларини бирлашмоққа чорлайди.

Дoston мана бундай халқларонади: Менгиз кўз оидида Вақт турар фақат — Бутун Инсоният шаклидаи Вақт. Вақтин инсоният шаклида тасаввур этиш, ҳис этиш учун шоирона юксак тафаккур ва ижодий таҳлил, тонгайи тоза қалб зарур, юракда чўнг дард бўлмоғи керак. Сирожиддин Саййид ана шундай залворни елкасига олган саҳоятли ижодкор. Шу бонс, турли миллат шоирлари унинг асарларини ўз тилларига таржима қилмоққа эҳтиёж сезаетир. Шейрлари қардош ўлкаларда ҳам севиб ўқилмоқда.

“Вақт ҳайкали” китобини озарбайжон тилига машҳур “Ўзбек келаетир” шейри муаллифи, атоқли шоир ва адабиётшунос Акиф Азалп ҳамда ижодкор ва олим Яшар Қосим таржима қилган. Китобдан шоирнинг инсон ва жамият муносабатлари, ҳаёт ва ишқ фалсафаси, Ватан ва халқ муҳаббатини, тарих ва замон қондиңияси билан боғлиқ сара шейрлари, “Сақсонинчи йиллар” ҳамда “Таназул” дostonлари ўрин олган. Бу нашр фақат Сирожиддин Саййиднинггина эмас, Ўзбек шейриятининг ҳам ютуғи, Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари муттасил ривожланиётгани далилидир. Шоирнинг энг сара шейрлари ва дostonлари ўрин олган тўплам шейрий мўҳабирини кўнглидан чўқур жой олиши шубҳасиз.

Анар муаллим қалбидаги эҳтиром

Сафаримизнинг дастлабки куни Озарбайжон Эъзарлар бирлиги раиси Анар муаллим бошчилигида давра суҳбати ташкил этилди. Ижодий мулоқот қизгин муҳокамаларга бой, икки қардош халқ адабиётига хос анъаналарнинг бугунги янгилини жараёни, бунда давлат раҳбарларининг эътибори алоҳида ўрин тутаетгани ҳақида фикрлашув руҳида ўтди.

— Аввало, Озарбайжонга хуш келибсиз! Бутун икки қардош давлат ўртасидаги масофа хар қачонгидан ҳам яқинлашди. Ун кун олдин биз Ўзбекистонда бўлган эдик. Бутун сиз Озарбайжондасиз — на хуш дамлар! — деди давра суҳбатини очар экан Анар муаллим. — Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази бўлди. Бу марказ Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиё ёки туркий дунёда, балки ислом олами ва бутун жаҳонда адабиёт, маданият ва санъат, Курьон ва ҳадис, калом ва тасаввуф илмлари борасида нақадар улкан салохиятга эга давлат эканини намоён иш этувчи мўътабар маскан бўлибди. Ислам цивилизацияси ривожига Ўзбекистон қўшган беқиёс ҳисса аниқ-равшан, ҳўжжатли ва энг сўнгги технологиялар асосида ёритилгани чиндан ҳам таҳсинга лойиқ!

Шундан кейин Сирожиддин Саййид икки халқ адабий ҳамкорлигининг юксалишида давлат раҳбарларининг адабиётга кўрсатаётган юксак эътибори муҳим асос бўлаётгани ҳақида сўзлади. Шоир ўқиган “Ўзбек — Озарбайжон фахрияси” шейри даврага ўзгача руҳ, шавку завқ олиб кирди:

Айтсам асар — оламжаҳон,  
Олгайди бир нолам жаҳон.  
Кўлимдаги қалам — жаҳон,  
Менинг икки болам — жаҳон.  
Бир — жон, бири — эсонжон:  
Ўзбекистон — Озарбайжон,  
Озарбайжон — Ўзбекистон...

Давра суҳбатидан Низомий ва Навоий, Фузулий ва Огаҳий, Самад Вургун ва Эркин Воҳидов, Бахтиёр Ваҳобода ва Абдулла Орипов шейрларидан ўқилди. Аҳамиятли жиҳати, озарбайжон эзиллари Ўзбек шейриятини, Ўзбек ойдиллари озарбайжон адабиётини нақадар чўқур билиши аён бўлди.

Навоийхонлик, фузулийхонлик, шейр завқи, фазал шавқи аламаҳалгача давом этди. Бу мушоралар икки қондош халқ адабиёти қанчалар яқин эканини яна бир қарра тасдиқлади. Кўнгилар нар бўстони чаманларидан



тининг бошкенти Шамахи шаҳридан ўтдик. Эрамиздан аввалги V-IV асрлардаёқ аҳоли истиқомат қилган бу тарихий шаҳар юксак маданият ва адабиёт маркази сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Иқлими ниҳоятда ёқимли, ҳавоси тоза Шамахида хунарманчилик, айникис, тиламчилик ва ипакчилик қадимдан ривожланган. Тарихий обидалар, мозийдан ёдгор масжиду мақбаралар сақланиб қолгани шаҳарнинг қадимий тарихи ва шуқуҳидан далолат беради. Шамахи бошқа барча фазилатларини санамганда ҳам, Имомиддин Насмий, Хоқоний Ширвоний, Мирза Алиқабар Собир, Саййид Азим Ширвоний ва Муҳаммад Ходий сингари улуг шоиру мутафаккирларнинг қадимий тарихи ва шуқуҳидан далолат беради. Шамахи бошқа барча фазилатларини санамганда ҳам, Имомиддин Насмий, Хоқоний Ширвоний, Мирза Алиқабар Собир, Саййид Азим Ширвоний ва Муҳаммад Ходий сингари улуг шоиру мутафаккирларнинг қадимий тарихи ва шуқуҳидан далолат беради. Шамахи бошқа барча фазилатларини санамганда ҳам, Имомиддин Насмий, Хоқоний Ширвоний, Мирза Алиқабар Собир, Саййид Азим Ширвоний ва Муҳаммад Ходий сингари улуг шоиру мутафаккирларнинг қадимий тарихи ва шуқуҳидан далолат беради.

изтиробли ўйлар кечди хаёлимиздан. Тилимизга озарбайжон шоирларининг ўтти сатрлари келди. Довоннинг куноқ туман орасидан ҳам кўриниб, сезилиб турган гўзал ва тоза табиати, беповён ўрмонлари шуқуҳи, осмонлар тоғлар виқори кўнгиларни юқоридаги шейр туғдирган андуҳ губорларидан поклади. Биз қадам-бақадам буюк Низомийга яқинлашар эдик.

Ганжанинг бебаҳо ганжи

Ўзбек ва озарбайжон адабиёти тақдирининг чўққисидан икки буюк мутафаккир — Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижодий мероси туради. Зоҳиран улар яшаб ижод қилган даврини уч асрлик масофа ажратиб турса-да, икки буюк шоир ижоди моҳияти бир-бирига уйғун. Гўё бир даврда яшагандек, бири иккинчисини тақозо этади ва бойитади. Ҳазрат Алишер Навоий буюк бешликнинг ҳар бир дostonида улуг салафи Низомий Ганжавий васфига алоҳида саҳифалар бағишлайди. Ганжа шаҳрига кириб келар эканмиз, Ҳазрат Навоийнинг мана бу сатрлари кўнгиларга ёғду улашади:

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.  
30761 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов  
Мусахҳис: Акбар Қаршиев  
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев  
Манзилнинг: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА яқуни — 20:48 Топшириди — 23:00

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси